Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 166 (21. 033) 1991 йил 28 август, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»лар билан териб олишга жазм этган Андижон вилоятининг Жалолқудуқ районидаги Т. Тошматов номли жамоа хўжалиги механизаторларининг бугунги ғайрат-шижоати ўзгача. Пешқадам механизатор Олимжон Маҳмуджонов бултургига нисбатан 10 тонна кўп, яъни 150 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилди.

СУРАТДА: Олимжон Маҳмуджонов.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Конституциясига ва «Ўзбекистон ССР-да жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига асосланиб, Ўзбекистонда демократик ўзгартишларга янги омил бағишлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон ССР ҳудудида фаолият кўрсатаётган ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармалар, уларнинг бўлимлари ва корхоналари партия тасарруфидан чиқарилсин.

2. Бундан буён юқорида кўрсатилган уюшмалар, жамиятлар ва жамғармаларда сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини барпо этишга йўл қўйилмайди, деб белгилаб қўйилсин.

Мазкур Фармон имзоланган пайтдан кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 27 август.

КАЙФИЯТ ВА СУРЪАТ

● Тошкент вилояти далаларида ғўза парвариши билан бирга сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узумни давлатга сотиш қизғин паллага кирди. Маҳсулотларни узлуксиз қабул қилиб олиб, қайта ишлашда Янги Тошкент ва Янгийўл консерва заводлари жамоалари дуруст натижаларга эришмоқдалар. Тошкент районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бош агрономи Аҳмаджон ҚОРАБОЕВ ҳам ушбу фикрни қувватлаб, улар маҳсулот топшираётган Янги Тошкент консерва заводида ўтган йилдагидай навбат кутишлар йўқлигини таъкидлади.

Бундай шароитда деҳқон бир ғайратига икки ғайрат қўшиб ишлаши табиий, албатта. Мазкур хўжалик далаларини айланиб, бунга ишонч ҳосил қиласан киши. Тожи Орипова, Қумри Абдуқодирова, Обид Каримов, Тўғонбой Холдоров сингари уста деҳқонлар кунлик сабзавот топшириш режаларини ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Қолаверса, нормадан ортиқ бажарилган иш улар моддий турмушини яхшилашга ёрдам бераётир.

• Қишлоқ — шаҳарга

Бу йил хўжаликда сабзавот ҳосили яхши бўлгани жамоа аъзоларининг кайфиятини кўтариб юборди. Меҳнат ҳам шунга яраша бўлди. Айтайлик, карам топшириш режаси 2 минг 900 тонна қилиб белгиланган эди. Бу кўрсаткич шу пайтгача 3 минг 330 тоннадан ошиб кетди. Ҳали олдинда кечки карам ҳосили турибди. Фақат эртаги карамнинг ўзидан 2 миллион 206 минг сўм атрофида даромад қилингани ҳисобга олинса, бу соҳа қанчалик сердаромад бўлиб бораётганини сезиш қийин эмас. Даромад оз ёки кўплиги эса деҳқоннинг ишбилармонлиги ва саъйи-ҳаракатига боғлиқдир. Шу ўринда эрта эккан эрта ўради, деган нақл ёдга тушади. Бунга амал қилиб, плёнка остига карам эккан сабзавоткорлар дастлабки ҳосилнинг ҳар бир килограммини 1 сўм-у 80 тийиндан давлатга топширдилар. Шундай қилиб ҳар килограмм карамни давлатга сотиш таннархи ўртача 80 тийинга тўғри келди.

Помидорнинг ғарқ пишган пайти. Уни пешма-пеш териб, сифатлиларини савдо идораларига, уринганларини консерва заводига жўнатиш қизғин тус олган. Ҳар бир килограмм помидор учун давлат деҳқонларга 45 тийин, завод эса 30 тийиндан ҳақ тўламоқда. Ҳозиргача ҳосилнинг бир минг тоннадан зиёдроғи йиғиб териб олинди. Бу — белгиланган режадагидан учдан бир қисмини ташкил қилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, истаган одам помидор теримида қатнашиши мумкин.

Жамоа хўжалигида бу маҳсулотлардан ташқари сабзи, пиёз, болгар қалампири, баклажон ва бошқа сабзавот, мева шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилмоқда. Йил охиригача давлатга жами 9 минг 300 тонна сабзавот топшириш режаси билан меҳнат қилаётган деҳқонлар ҳозиргача 6 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот сотдилар. Улар агар йиллик режа ортиғи билан уддаланса, умумий даромад беш миллион сўмликдан ортиши ва шу ҳисобдан ўзларининг моддий-маиший аҳволларини бирмунча яхшилаб олишларини тушунган ҳолда ғайрат кўрсатмоқдалар.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• «Совет Ўзбекистони» рейди

— Терим машиналарисиз ишимиз юришмайди, — дейди Алишер Навоий номли совхоз директори Зикрия Асоров. — Ҳар йили 70—80 фоиз ҳосил «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинаётир. Шунинг учун ҳамма турдаги терим агрегатларини мавсумга ҳозирлаб қўйдик.

Ульянов районидаги бошқа хўжаликларда ҳам техникани мавсумга тайёрлаш ишлари ёмон эмас. Айниқса, Москва, Қашқадарё, Пахтакор, Дзержинский номли, Ғалаба, «III Интернационал» совхозларида терим машиналари тўлиқ шайланмоқда. Район бўйича 501 та терим агрегатининг деярли ҳаммаси тайёр.

Бу йил 474,5 минг тонна пахтанинг қарийб 300 минг тоннасини машиналар бункеридан тўкишга аҳд қилган қашқадарёлик механизаторлар техника тайёргарлигига асосий эътиборни қаратмоқдалар.

— Терим машиналарисиз ишимиз юришмайди, — дейди Алишер Навоий номли совхоз директори Зикрия Асоров. — Ҳар йили 70—80 фоиз ҳосил «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинаётир. Шунинг учун ҳамма турдаги терим агрегатларини мавсумга ҳозирлаб қўйдик.

Ульянов районидаги бошқа хўжаликларда ҳам техникани мавсумга тайёрлаш ишлари ёмон эмас. Айниқса, Москва, Қашқадарё, Пахтакор, Дзержинский номли, Ғалаба, «III Интернационал» совхозларида терим машиналари тўлиқ шайланмоқда. Район бўйича 501 та терим агрегатининг деярли ҳаммаси тайёр.

Бу йил 474,5 минг тонна пахтанинг қарийб 300 минг тоннасини машиналар бункеридан тўкишга аҳд қилган қашқадарёлик механизаторлар техника тайёргарлигига асосий эътиборни қаратмоқдалар.

БАРМОҚ ТИШЛАБ ҚОЛМАНГ

ҚАШҚАДАРЁДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЕРГАРЛИК СУСТ БОРМОҚДА

Афсуски, вилоятнинг ҳамма район, колхоз ва совхозларида ҳам мавсумга ҳозирлик талабга жавоб бераяпти, деб бўлмайди. Ўзибўларчилик ва хотиржамлик кайфияти ҳукм сураётган жойларда бу ишда чўзилиш бор. Айниқса, Муборак, Усмон Юсупов, Баҳористон, Нишон районларида техника ремонти охирига етказилмаяпти.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Муборак районидаги 36-давлат хўжалигида ташвишли ҳол юз бермоқда. Чунончи совхозда 73 та терим машинасидан 35 таси мавсумга ҳозирланган. Бу 50 фоизни ҳам ташкил этмайди.

Рейд бригада аъзолари бундай манзарани 31-совхозда ҳам кўрдилар. Хўжаликнинг 60 та терим пахта териш машинасидан энди 20 таси тайёр бўлди, холос. Хўш, буни қандай баҳолаш керак?

Қўриқ Усмон Юсупов районида қўл кучи етарли эмаслиги ҳаммага маълум. Шунинг учун йиғим-терим мавсумида қатор қийинчиликларга дуч келинади. Бу эса машиналар кучидан кўпроқ фойдаланишни талаб этади. Бироқ, айрим хўжаликларда техникани тайёрлашга масъулиятсизларча муносабатда бўлиняпти. Жумладан «Янгиобод» давлат хўжалигида пахта териш, кўрак чувиш ва кўрак териш агрегатлари ремонти чўзилиб кетди. Мавжуд 18 та пахта терим машинасидан атиги 10 таси тайёрлиги қайд этилган. Уларнинг ҳам у-бу нуқсонлари бор.

Вилоятнинг Баҳористон районида ҳам терим техникасини мавсумга ҳозирлашда ўзибўларчилик кайфияти ҳукмрон. Райондаги «Партия XXV съезди» совхозида техникадан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётганлиги, малакали механизаторлар етишмаслиги оқибатида ҳар йили машина терими режаси барбод бўляпти. Ҳолбуки, бу йил ҳам техникага ишончсизлик билан қараляпти. Шу кунгача атиги 50 фоиз машина тахтланганлигини ана шу билан изоҳлаш мумкин.

Райондаги «Ўзбекистон» совхозида 12 та тайёр дейилган машиналарнинг майда-чуйда нуқсони бор. Кўрак териш ва чувиш агрегатларини ремонт қилишга чинакамига киришилмаган. Қўшни 35-совхозда ремонт ишлари бундан ҳам баттар.

Чироқчи районига қараштли 51-хўжалик ҳисобидаги участкада жами 43 та терим агрегатидан 16 таси рўйхатда тайёр, холос. Қолган машиналар ремонтига негадир қўл урилмаяпти.

Вилоятда техникани мавсумга тайёрлашда баъзи районларда ҳукм сураётган хотиржамликнинг бир қанча сабаблари бор. Ремонт ишларида тартиб-интизом бўшаштириб юборилган. Кўпгина жойларда ишчи кучи етарли эмас. Ремонтчиларга ғамхўрлик талабга жавоб бермайди. Устахоналарда қишлоқ хўжалик машиналари учун аккумулятор, статорлар, радиатор ва бошқа эҳтиёт қисмлар таъминотида узилишларга йўл қўйиляпти. Аҳвол шундай давом этаверса, мақсадга эришиш қийин. Мавжуд агрегатлар вақтида ҳозирлаб қўйилмайди. Бармоқ тишлаб аттанг дейишдан фойда йўқ.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Х. ДАВЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик техникасининг таъминоти ва таъмирлаш бирлашмасининг етакчи мутахассиси.

М. С. ГОРБАЧЕВ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

МОСКВА, 17 август (ТАСС). СССР Президенти М. С. Горбачев эрталаб Кремлда республикаларнинг раҳбарлари билан учрашди. Мамлакатда содир бўлган давлат тўнтариши муносабати билан вужудга келган вазиятга алоқадор масалалар диққат марказида бўлди.

М. С. ГОРБАЧЕВ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Ҳокимият тўғрисидаги масалани ҳал этиш, мавжуд тузилмалар имкониятларини ишга солиш, янгиларини тузиш, шунингдек кадрлар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш Москвада очилган СССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари сессиясининг асосий якуни бўлиши керак. СССР Президенти М. С. Горбачев Россия телевидениеси мухбири билан душанба куни қилган суҳбатида шуларни айтди. У кадрлар танлаш масаласида хатога йўл қўйганини тан олди.

Президент парламентнинг 18-21 август воқеаларидаги роли ҳақида гапирар экан, фавқулодда ҳолат рўй берган тақдирда бир-бир ярим кун мобайнида депутатларга Москвада йиғилиш имконини берадиган конституциявий воситани вужудга келтириш зарурлигини таъкидлади. Россия парламентининг аъзолари худди шундай қилдилар.

Совет давлатининг бошлиғи марказ билан республикаларнинг тузилмалари ўртасидаги ҳамжиҳатлик истиқболлари тўғрисидаги саволга жавоб берар экан, «Россия командаси» — Б. Н. Ельцин, И. С. Силаев, Р. И. Хасбулатов билан ҳамкорликни ривожланиб бораётганига эътиборни қаратди. Унинг сўзларига қараганда, бу ҳамкорлик амалий ва самарали бўлмоқда.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ АНИҚЛИК КИРИТДИ

27 август куни чиққан баъзи газеталарда СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида раҳбарлик қилиш СССР Олий Кенгаши Иттифоқ Кенгашининг Раиси И. Д. Лаптевга топширилди, деган хато хабар эълон қилинди.

Шунга эътиборни жалб қиламизки, СССР Олий Кенгаши аъзоларининг 26 август кечқурунги мажлисида қабул этилган қарорига биноан сессия ишига раҳбарлик қилиш СССР Олий Кенгаши палаталарининг Раислари И. Д. Лаптев билан Р. Н. Нишоновга топширилган.

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли Олий Кенгаш аъзолари!

Мен аввало СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съездини зудлик билан чақириш тўғрисида Олий Кенгаш қабул этган қарорни қўллаб-қувватлайман. Чунки муаммонинг ўзи ҳам, шу давр ичида, ўтган кунларда биз бошдан кечирган ҳамма воқеалар ҳам, қабул этилиши лозим бўлган қарорлар ҳам аслида, Съезднинг ишидир. Бу — биринчиси.

Сизларнинг муҳокамангизга Россия Федерацияси Олий Кенгашининг депутатларини ҳамда бошқа республикалар парламентларининг вакилларини шу Съездга таклиф қилиш тўғрисидаги таклифни киритаман.

Съездгача қолган кунларда мен халқ депутатларидан ўз комиссияларида, комитетларида, қолаверса ўз фракцияларида ва, албатта, палаталарнинг мажлисларида, буёғи ўз ихтиёрингизда — бизда содир бўлган ҳамма воқеаларнинг, нега шундай бўлганини ва бундан қандай сабоқлар чиқариб олиш лозимлигини атрофлича муҳокама қилиб, пухта ўйлаб чиқишларингизни сўрайман. Гап бу мавзуда фалсафа сўқиш ҳақида бораётгани йўқ, балки биз бошдан кечирган ҳамма воқеаларни аниқ ва юз хотирсиз таҳлил этишга таянадиган аниқ-равшан сиёсий ва амалий ҳаракатлар ҳамда қарорлар ҳақида бормоқда.

Табиийки, Съездгача қолган кунларда сиз билан биз қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Сирасини айтганда биз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаракат қиляпмиз. Биз Олий Кенгашга Вазирлар Маҳкамасига ишонч тўғрисидаги масалани киритдик, чунки Вазирлар Маҳкамаси ўша кунларда ўзининг конституциявий вазифасини бажармади. Унинг баъзи аъзолари эса тўнтаришда бевосита қатнашди. Армияни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини ва бошқа давлат маҳкамаларини партиялардан холи қилиш ҳақида фармон қабул этилди. Армияда, Давлат хавфсизлиги комитетида, Ички ишлар вазирлигида фитначиларнинг режаларини амалга ошириш да уларга фаол кўмаклашган асосий шахслар лавозимларидан олиб ташланди. Тўнтариш ташкилотчиларининг хатти-ҳаракатларини СССР ва РСФСР Прокуратуралари биргаликда текширмоқда. Бу идоралардаги энг муҳим лавозимларга янги кишилар тайинланди.

Мен баёнот бериб, КПСС Марказий Комитети Бош котиби вазифасини ўз зиммамдан соқит қилганим ва партия Марказий Комитетига ўзини ўзи тарқатиб юборишни таклиф қилганим сизларга маълум. Бундан буён ҳам Съездгача мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, ўч олишни кучайтиришга йўл қўймаслиги лозим бўлган мана шундай чора-тадбирлар амалга оширилаверириши тайинланди, бу йўл қатъият билан ўтказилади.

Маъруза қилиш учун, эҳтимол, сиз билан биз ҳали жуда кўп нарсаларни пухта ўйлашимиз ва маслаҳатлашиб олишимиз керак бўлади, — мана шу нутқимда эса ҳозирги вазият билан боғлиқ бўлган баъзи бир жиҳатлар ҳақида ҳамма гапни айтиб ўтмоқчиман.

Ҳурматли халқ депутатлари! Тўнтариш очиқ ҳавода мамлакатдан бўлганидек тўсатдан содир бўлмади. «Ўнглар»нинг матбуотдаги ва Марказий Комитет Пленумларидаги жазавали нутқлари ҳам, айрим генералларнинг, жумладан халқ депутатлари Съезди минбаридан айтган иғвогарона гаплари ҳам, партия-давлат тузилмалари кўпгина қайта қуриш руҳидаги қарорларни бажаришга ошкора тўсқинлик қилганликлари ҳам шундан дарак берар эди. Хуллас, фитна етилиб келаётган эди.

Шу сабабли конституциявий тузумни ҳимоя қилиш мақсадида кечиктирмай чора тадбирлар кўриш учун жуда етарли асослар бор эди. Бироқ, гарчи бу хуружлар эътиборсиз қолдирилмай, уларга турли шаклларда, шу жумладан матбуотда, Пленумларда, бу ерда, Олий Кенгашда ҳам баҳолар ва зарбалар берилган бўлса ҳам, конституциявий тузум ҳимоя қилинмади. Ҳар ҳолда, қатъий ҳаракат қилиш ўрнига бамайлихотирлик ва кўнгилчанлик қилинганини тан олмоқ керак. Бу аввало менга тегишли деб биламан. Бу биринчи ўринда турган сабоқдир.

Демократияга ҳамла қилиш, мамлакатни куч ишлатиб тоталитаризмга қайтаришга уринишга имкон бериб қўйган бундан ҳам муҳимроқ сабаб бор. Бу — демократик ислоҳотларни ўтказишдаги қатъиятсизлик ва ноизчилликдир. Айниқса қайта қуриш етилиб келаётган тузилмаларда шундай бўлди. Бу нарса фақат менинг айбим эмас, балки ҳаммамизнинг, СССР Олий Кенгашининг, партия, ҳукумат раҳбар идораларининг ҳам айбидир. Бизнинг яхши ниятларимиз, дурустгина таърифлаб берилган мақсадларимиз ва режаларимиз кўп жиҳатдан амалга оширилмайдиган бўлиб чиқди, чунки аввалги ҳокимият механизми тубдан ўзгартирилмади. Бу ўринда мен партия тузилмалари билан бирикиб кетган ва мутлақо ўзгаришсиз сақлаб қолинган давлат аппаратини ҳамда сталинизмга ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларга содиқ қолган, ҳеч бўлмаганда сталинизмдан кейинги ғояларга эътиқод қўйган ходимлар, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган ходимларга нисбатан муросасозликни ҳам назарда тутаяпман.

Биз иқтисодиётда узоқ вақт иккиланиб турдик ва шу пайтга қадар ҳам қатъий демократик ўзгартиришларга чинакамига киришмадик. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир қилди. Фитначилар бутун аҳоли турмушидаги қийинчиликлардан фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар, буларнинг ҳаммаси — бизнинг воқелигимиздир. Халқ катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда ва оғир машаққатларга дуч келмоқда: турмуш даражаси пасайиб кетди, шахсий хавфсизлик йўқ, жиноятчи унсурлар ҳаддидан ошиб, кўнгилга ёққан кўчага кириб кетмоқдалар.

Демократик, ҳақиқий қайта қуриш кучлари қандай тусда бўлмасинлар, улар ўртасида тотувликка эришилмади, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинмади. Бизни асли айни бир хил мақсадларни кўзловчи кишилардан ажратиб қўйишди. Баъзан бизни сиёсий курашнинг турли томонларига ўтказиб юборишга муваффақ бўлдилар. Демократия ихлосмандлари, демократик оқимлар ўзаро бош уриштириб, сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолишлари янги йўлга қарши чиқаётганларга, мамлакатимиздаги ислоҳотларни ёқтирмовчиларга энг катта совға эканини мен бу ерда ҳам, Пленумларда ҳам, бошқа жойларда ҳам неча марталаб айтган эдим. Ҳамманинг, хусусан демократларнинг ончалик олисни кўра олмасликлари ва масъулиятни зиммага олмасликлари ҳам таъсир қилди.

Қуролли Кучлар тегишлича конституциявий назоратсиз қолди. Армия ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Ҳа, фитначилар ўз жиноий режаларини охиригача амалга ошира олмадилар — армияни ўз халқига қарши ташлай олмадилар. Фитначилар иккита жуда катта хатога йўл қўйдилар: улар халқни тўдадек билиб, уни ҳар қандай йўл билан лақиллатиш, уёққа ёки буёққа ҳайдайвериш аввалгидек мумкин, деб ўйладилар. Бу ибора учун узр сўрайман, аммо уларнинг фикри мана шундай эди. Мамлакат эса энди аввалгидек эмас. Уларнинг энг катта хатоси мана шу бўлди. Модомики мамлакат аввалгидек эмас, халқ ҳам аввалгидек эмас экан, демак армия ҳам аввалгидек эмас эди, чунки армия халқнинг бир қисмидир. Ҳатто фавқулодда ҳолатлар учун, тўғри бошқача фавқулодда ҳолатлар яъни хавфсизликни ҳимоя қилиш, терроризмга қарши кураш ва шу кабилар учун тайёрлаб қўйилган махсус қисмлар ҳам халққа қарши боришдан бош тортишди. Улар трибуналга берилишига, отиб ташланишга тайёр эдилар-у, аммо бу талабларни бажармадилар: улар ҳарбий-ҳаво кучларидан ҳам мадад ололмадилар. Бунинг нималигини яхши биласизлар: улар қўлида учта самолёт бўлганида ҳам ҳамма нарсани вайрон қилишлари, тўнтаришга қаршиликни раҳбарсиз қолдиришлари учун етарли бўлар эди. Ҳарбий десантчи қўшинлар ҳам уларнинг талабларини бажармадилар. Ҳатто улар шаҳарга киритишга муваффақ бўлган кучлар ҳам халққа қарши бормади. Фитна барбод бўлганлигининг бош сабабларидан бири мана шудир.

Ҳар ҳолда, мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан тасдиқланмай туриб, Москва ва Ленинград кўчаларига кўп миқдордаги қўшинлар, танкларни, бошқа зирхли техникани киритишнинг иложи топилди. Бу факт яққол кўринниб турибди, демак бизнинг механизмимизда яхши тартиб йўқ.

Давлат хавфсизлиги комитетини қайта қуриш зарурлиги яққол кўринниб турса ҳам, бу иш амалга оширилмади. Тўғри, Давлат хавфсизлиги маҳкамасининг ходимлари чегараларни қўриқлаб, разведка ва контрразведка ёрдамида давлат манфаатларини ҳимоя қилиб туришибди. Комитет айни шу иш билан шуғулланмоғи керак. Бироқ шу билан бирга — ҳатто жамиятдаги чуқур демократик ўзгартишлар шароитида ҳам — у ҳамон аслида сиёсий кураш воситаси сифатида у ёки бу тарзда сақланиб қолди.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИНИНГ КУН ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида.

2. Рўй берган давлат тўнтариши муносабати билан мамлакатда вужудга келган вазият ҳақида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг ахбороти.

3. 1991 йил 18 августдаги ва шундан кейинги кунлардаги воқеаларда СССР Олий Кенгаши, унинг айрим комитетлари ва комиссияларининг, СССР бошқа давлат идоралари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар раҳбариятининг ролини баҳолаш ҳақида.

4. СССР Вазирлар Маҳкамасига ишонч ҳақида.

5. 1991 йил 18-21 августда содир бўлганига ўхшаш воқеалар такрорланиши имкониятини истисно қиладиган биринчи галдаги чора-тадбирлар ва қонун ҳужжатлари рўйхати ҳақида.

6. Давлат тўнтаришининг сабаблари ва ҳолатларини текширувчи парламент комиссиясини тузиш ҳамда республикаларнинг парламентларига мана шундай комиссиялар тузиш ҳақида тавсиялар бериш тўғрисида.

7. СССР Олий Кенгашининг аппаратини шошилинч қайта тузиш зарурлиги ҳақида.

СССР Олий Кенгаши бошқа масалаларни ҳам кун тартибига киритиш мумкинлигини назарда тутди.

СССР Олий Кенгаши
Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИ ВА МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЕСАТИНИНГ БАЁНОТИНИ МАЪҚУЛЛАБ

ҲАҚИҚАТНИНГ ҲАҚЛИГИ

Кейинги кунлардаги воқеалар бутун мамлакатни лар зага солди. Ҳукуматнинг бир гуруҳ собиқ раҳбарлари давлат тўнтариши қилиш учун уринишн халқимизнинг метиндек жипслиги қаршилигига учраб, чил-парчин бўлди. Жиноятчилар ўз қилмишлари учун жавоб берадилар, албатта. Мамлакатда инқоятда зиддиятли аҳвол вужудга келган бир пайтда республикамиз партия ва ҳукумати жумҳурият халқи хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирган мурожаат ва баёнот билан чиқиб унда жиноятчиларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига тегишли муносабат билдирилгани кўнгилдаги гап бўлди.

Жуда қалтис ва мураккаб вазиятда бизнинг жамоамиз аъзолари ҳам барча ҳамюртларимиз қатори вазминликни сақлаб, ақл-идрок билан иш тутдилар.

Биринчи мингга, мингинчи туманга деганларидек КПСС раҳбар органи — Сиёсий бюро айрим оғмачи раҳбар ходимларининг фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталган комитетнинг қилмишларига айни муносабат билдириладиган пайтда қўрқоқлик қилгани ва принципсиз позицияга ўтиб олгани кўпчиликка соя ташлашди. Бу воқеа ҳаммамизга ҳам аччиқ сабоқ бўлиб қолиши зарур.

Ҳаммамиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг Баёноти билан танишдик. Коммунист сифатида ана шу Баёнотда чиқарилган хулосаларни ҳамда Марказий Комитет биринчи котиби И. А. Каримовнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳозирги таркибидан чиққанлиги тўғрисидаги баёнотини қўллаб-қувватлаймиз.

О. АБДУЛЛАЕВ,
«Хорезмтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети котиби.

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Олий Кенгашнинг воситаси иш бермай қолган экан, Вазирлар Маҳкамасининг кўпгина аъзолари фитна қаршисида шармандаларча ночор ва қўрқоқ бўлиб чиққан эканлар. Қуролли Кучларга бошчилик қилувчи ташкилотларнинг раҳбарлари орасида давлат тўнтариши қилишдан қайтмайдиган кишилар турган экан. Президент сифатида мен бунинг учун кўпроқ, аниқроқ қилиб айтганда, ундан ҳам кўпроқ масъулдирман.

Шу кунларда мен кўп нарсани қайта идрок этиб, қайта ўйлаб чиққаним учун шу гапни айтяпман. Сиз билан бизнинг бошимизга тушган бу фожиадан мен хулосалар чиқариб олдим.

Мени бошқа мамлакатга келиб қолди, демоқдалар. Бу гапга қўшиламан. Бунга яна шуни ҳам қўша оламан: Қримдан бошқа мамлакатга қайтиб келган киши ҳамма нарсага — ўтмишга ҳам, бугунги кунга ҳам, истиқболга ҳам энди бошқа кўз билан қараяпти. Ҳар ҳолда мен, Президент бўлиб турар эканман ислоҳотларни ўтказишда ҳеч қандай иккиланишларга, пайсалга солишларга йўл қўймайман. Тил топишнинг иложи бўлмаган ва бундай қилиш жоиз ҳам бўлмаган кимсалар билан бундан буён муроса ҳам қилинмайди. (Қарсаклар).

Мен сизнинг қарсакларингизни бундай тушунаман: ҳа, шундай ҳолатлар бўлган эдики, мен муроса қилмаслигим керак эди. Шу билан бирга айтишим керакки, биз қилаётган ҳамма ишлар демократия доирасида бўлиши ва қон тўкилмаслиги менинг энг катта истагимдир. Мен доимо шу фикрга амал қилдим — ҳатто қатъий чоралар кўриб, айни мамлакатни фалокатга йўлиқтириши мумкин бўлган мана шундай тўнтаришларга йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш керак бўлганида ҳам муросага келиш йўлларини излаган эдим.

Ислоҳотлар жараёнининг шу қадар машаққатли бораётгани ва халқ турмушига оғир таъсир этганлигининг сабаби бор. Бу ҳокимиятга партия яккаҳокимлиги, партиявий-бюрократик тузилмаларни йўқотишда сусткашлик қилингани билан боғликдирки, бу тузилмалар кўп жиҳатдан аввалги тартибдан «мерос» бўлиб қолгандир. Марказий Комитет Пленумларида демократик ўзгаришлар йўлини қандай қилиб бўлса ҳам тўсиб қўйишга уринганларга қарши машаққатли кураш олиб борилганлиги ёдимизда. Эски системанинг умуртқа поғонаси синган, ташкилий жиҳатдан пароканда бўлса ҳам, қўлидаги бор нарсани сақлаб тураверди ва олға қараб ҳаракатга ҳалал бераверди.

Шу ҳақда гапирар эканман партиянинг миллионлаб оддий аъзоларини партиявий бюрократиядан ажратиб олишни принцип жиҳатдан муҳим деб ҳисоблайман. Менда имконият пайдо бўлиши биланоқ, яъни 21 августдан бошлаб мен бу ҳақда гапирдим. Кўп миллионли партия аъзоларига ишонганим учун ҳам КПССни тубдан ислоҳ этиш имкониятига, амалда сталинча ташкилот бўлган партияни демократик, замонавий ташкилотга айлантиришга умид боғладим. Тўнтариш бу умидни чиппакка чиқарди. Шунинг учун ҳам, сизга маълумки, мен ўз зиммамдан Бош котиблик вазифасини соқит қилдим ва Марказий Комитетга ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишини таклиф этдим.

Аммо ҳар қалай, фитнанинг рўёбга чиқишига йўл қўйиб берган барча омилларга қарамай, унинг, яъни фитнанинг ҳалокати муқаррар эди. Сўнгги олти йил мобайнида бекорга яшамаган эканмиз. Мамлакат, одамлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, демократик кучлар қамолга етди. Ҳали улар уюшмаган бўлса ҳам, ҳали улар ҳозирча ҳамма масалаларда ҳам бир-бирларини тўла тушунмаган бўлса ҳам, халқ билан биргаликда фитначиларга қақшатқич зарба бердилар. Фитначилар ўз режаларини амалга оширишга нега бу қадар шошилишгани ҳам ҳудди ана шу билан бевосита боғлиқдир. Улар сусткашлик ўлим билан баробар эканлигини тушундилар, чунки Ново-Огарево жараёни, яъни тўққиз плюс бир жараёни вужудга келди. Фақат Марказий Комитет Пленумлари ва Марказий Комитетнинг ўзидагина эмас Олий Кенгашда ҳам бу жараённи барча ҳам тўлалигича қабул қилмади, эндиликда биз буни очиқ-ойдин айтишимиз керак. Шу кунларда буларнинг барчасини эътироф этишимиз лозим бўлади, чунки бутун мамлакат аҳли сиз билан бизга кўз тикиб турибди. Хуллас, фитначилар, Ново-Огарево жараёнининг вужудга келиши, яқин орада Иттифоқ шартномасининг имзоланиши, бозорга ўтишнинг бошланганлиги ва бу ўтишнинг муқаррарлиги, жаҳон миқёсида эса — иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишига имкон яратган Лондондаги «7 плюс 1» кенгаши ўзларининг бошига қандай кулфатлар солишини тушунардилар.

Шундай қилиб, давлат тўнтариши барбод қилинди, янчиб ташланди. Кўчаларга чиқиб, автоматлар ва тўпларнинг «оғзига» тик қараган, эрк ва қонунийликни ҳимоя қилган юз минглаб москваликлардан чексиз миннатдорлигимни яна бир карра изҳор этишни истар эдим. Тўнтаришнинг олдини олишда Борис Николаевич Ельцин, Россия парламенти, Ленинград аҳли ва уларнинг раҳбарлари, Киев аҳли, бошқа республикалар халқларининг позицияси жуда катта роль ўйнади. Фитначилар ўз мурожаатларини нақадар жозибали қилиб кўрсатишга уринишмасин, мамлакат уларни қабул қилмади. Ҳозиргидек жуда мушкул вазиятда одамлар ҳақиқатан ҳам тез ва қатъий ўзгаришлар бўлишини истайдилар, лекин 19 август кунидагига ўхшаш йўл билан эмас. Айни вақтда шундай фитна кўтарилишининг мумкин бўлгани шундан далолат бериб турибдики, биз ҳали ярим йўлда турибмиз ҳамда конституциявий қонунийликка кафолат яратилиши учун сира кечиктириб бўлмайдиган ва ишончли чораларни кўришимиз керак.

Хўш, бундан буён нима қилмоқ керак?

Биринчидан, Иттифоқ шартномасини имзолаш жараёнини дарҳол тиклашни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Фитначилар ушбу ҳужжат белгиланган муддатда имзоланмаслигига эришдилар, бу уларнинг биринчи навбатдаги мақсади эди. Афсуски, ана шу машъум фавқулодда ҳолат комитети деб аталмиш комитетнинг баёноти билан ёнма-ён СССР Олий Кенгаши Раиси Лукьяновнинг ҳам баёноти эълон қилинди. Кейинчалик билишимча мазкур баёнот оммавий ахборот воситалари орқали узлуксиз эълон қилиб турилибди. Шу баёнотда Лукьянов шартнома яроқсиз, уни имзолаб бўлмайди, деб исботлашга уринибди.

Аммо шартнома лойиҳаси Ново-Огарево битими барча қатнашчиларининг манфаатларини инобатга олган. Айрим моддаларни такомиллаштириш мумкин, албатта. Лекин энг муҳими, имзолашга киришишни пайсалга солиб бўлмайди. Мен бу борада Россия Федерацияси раҳбарлари, Ленинграддаги учрашув қатнашчилари, яъни ленинградликлар ва шимоли-ғарбликлар, бошқа республикалар намояндалари нутқларида баён этилган таклифларга қўшиламан. Шартномани такомиллаштириш ёки уни тўлдириш кераклигига қўшиламан, лекин буларни протоколлар, шартномага иловалар шаклида юзага чиқариш мумкин. Шундай қилсак, биз референдумда ўз ифодасини топган халқ хоҳиш-иродаси негизида ҳаракат қилган бўламиз.

Мен қайтиб келганимнинг иккинчи куни, яъни 23 августда 9 республикалар раҳбарлари билан учрашганимда шартномани имзолашга киришиш керак, бу жараённи кечиктириб бўлмайди, деган фикр устувор бўлган эди. Шуни таъкидламоқчиманки, бу ўринда гап Иттифоқимизни тубдан ўзгартиришни якунлаш ҳақида эмас, балки бу ишни бошлаш хусусида бормоқда.

Иккинчидан. Шартномани имзолашни истамаётган республикаларга нисбатан муносабатимизни белгилаб олишимиз лозим. Уларга бу масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилмоғи лозим. Шартнома имзоланганидан кейин Иттифоқдан чиқишни истаган республикалар билан дарҳол амалий музокараларни бошлаш керак бўлади. Тайёргарлик ишини эса ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаш мумкин. Улар билан тузиладиган битимларда қайси миллатга мансублигидан қатъи назар инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига зарур кафолотлар қайд этиб қўйилиши зарур. Иттифоқдан ташқарида қолишни истамаган ва кўчиб ўтадиган фуқароларга тавон тўлаш тўғрисидаги масала ҳал этилиши даркор. Ҳарбий ёрдамчи соҳалар тўғрисидаги масалани ҳал этишга тўғри келади, бу ёрдамчи соҳадар битимда белгилаб қўйилган муддат мобайнида ажралиб чиққан у ёки бу республика ҳудудида сақланиши зарур.

Шу билан бирга, барча 15 республиканинг иқтисодий алоқаларни сақлаб қолишдан ҳаётий манфаатдор эканликларини ҳисобга олиб, иқтисодий шартнома тузиш юзасидан ишни дарҳол бошлаш лозим бўлади. (Қарсаклар).

Учинчидан. Янги Конституция амал қила бошлашидан олдинги давр учун мамлакатни бошқаришнинг айрим масалаларини зудлик билан ҳал этиш даркор. Содир бўлган воқеа, ушбу Конституцияни қабул қилинишини кутиб турмай ҳаракат қилишимизни тақозо этади.

Умумхалқ сайловигача бўлган даврга қадар СССР халқ депутатларининг бўлажак съездида мамлакат вице-президентини сайлашдек энг муҳим муаммони ҳал этишимиз керак бўлади. Шу масалалар хусусида биз обдон маслаҳатлашиб олишимиз керак.

23 август куни республика раҳбарлари билан учрашувда бообрў орган бўлиши тўғрисида таклиф айтилган эди, мазкур орган Иттифоқнинг бутун ҳудуди учун бошқарувнинг йирик масалалари юзасидан келишиб олинган қарорлар қабул қилиши мумкин бўлур эди. Шуни таъкидламоқчиманки, бу бошқарувга дахлдордир. Шу мақсад учун ҳозир мавжуд бўлган конституциявий орган, яъни Хавфсизлик кенгашидан фойдаланиш таклиф қилинди. Таркиби жиҳатидан ҳам, ваколати жиҳатидан ҳам мазкур органнинг аҳамиятини кўтариш зарур. Агар унинг таркибига Иттифоқ шартномасини тузишга қарор қилган республикаларнинг раҳбарлари ва Яковлев, Бакатин, Примаков, Собчак, Попов ва ҳозир СССР Президенти аппаратининг раҳбари бўлиб турган Ревенко ўртоқлар кирадиган бўлса, ушбу органнинг аҳамияти ошади.

Республикалар раҳбарларининг розилигини олиб, СССР Вазирлар Маҳкамасини тузишимиз лозим, ҳозирча эса оператив бошқарув учун мен ўртоқ Силаев бошчилигида комитет тузишга қарор қилдим, сизлар бу Фармон билан танишсиз.

Тўртинчидан. Агар СССР Олий Кенгаши ва унинг Раиси қаттиққўллик ва қатъият билан фитначиларнинг йўлини тўсишганида, улар ўз режаларини рўёбга чиқара олмас эдилар. Воқеаларнинг кечиши Олий Кенгашни зудлик билан чақиришни тақозо этган эди. Россия дарҳол шундай қилди ва бу исёнга қаршилик кўрсатишда жуда катта роль ўйнади. Иттифоқ Олий Кенгаши эса ўша пайтда ўзининг Конституциявий ваколатларини амалга ошира олмади. Президиум қаерда эди? Депутатлар қаерда эди? Нима учун улар дарҳол пойтахтга етиб келишмади. Буларни ўйлаб кўриш, ўзига разм солиш, муҳоҳаза юритиш лозим бўлади. Сабоқ олиш керак, бу сабоқ фақат маънавий-сиёсий йўеиндагина бўлиб қолмасин. Буни ҳужжатларда қайд этиб қўйиш керак. Мабодо шунга ўхшаш вазият юзага келиб қолса, телеграммаларни ва таклифларни, эълонларни кутиб ўтирмай ҳамма бу ерга, пойтахтга ҳокимият олий органи иш кўрадиган жойга етиб келиши керак.

Буни Конституцияда ёки бошқа биронта қонун ҳужжатида қайд этиб қўйиш лозим. Бу энди бошқа масаладир.

Съезд очилишигача қолган кунларда ким СССР Олий Кенгашининг Раиси бўлиши лозимлиги хусусида обдон ўйлаб кўришни таклиф этаман. Мен ҳамиша бўлганидек ва айниқса ҳозир барча билан маслаҳатлашишга тайёрман.

Биз бирон-бир муносиб номзодни назардан четда қолдирмаслигимиз, шу хусусда бу ерда ҳам, республикалар билан ҳам келишиб олишимиз керак. Ўртамизда тўла ишонч, тўла ҳамжиҳатлик, биз танлаб олган одамлар вазиятга қараб иш тутишларига тўла ишонч бўлмоғи учун шундай қилишимиз керак.

Бешинчидан. Вазиятга баҳо бериш, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан пухта конституциявий ва жамоат назоратини ишлаб чиқишимиз ҳамда ўрнатишимиз зарур. Бу ўринда теран ўзгаришлар қилиш талаб этилади. Ҳозирнинг ўзида ҳарбий ислоҳот тўғрисидаги қонун устида иш олиб бориш доирасида дарҳол ушбу масалани ажратиб олиб ҳал этиш учун барча ишларни қилиш керак. Кейинчалик у ҳарбий ислоҳот тўғрисидаги қонуннинг таркибий қисми бўлиб қолади. Армияда ихтисослашган мутахассислар хизмат қилишини кучайтиришни назарда тутиб, чамаси ҳарбий ислоҳотни амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Давлат хавфсизлиги комитетини қайтадан тузиш керак. Ўртоқ Бакатинни ушбу комитет раиси этиб тайинлаш тўғрисида мен чиқарган Фармонда матбуотда эълон қилинмаган иккинчи банд борки, ушбу бандда Бакатинга давлат хавфсизлиги бутун тизимини қайтадан тузиш тўғрисида дарҳол таклифларни тавсия этиш топширилган. Давлат хавфсизлиги органларидан Конституцияга зид мақсадларда фойдаланишнинг энг кичик имконияти йўлига ўтиб бўлмас ғов қўйиш керак. Мен Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларини СССР Мудофаа вазирлигига ўтказиш ҳақидаги Фармонига қўл қўймоқчиман. Чамаси давлат хавфсизлиги комитети тўғрисидаги қонуннинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, давлат хавфсизлигининг янги концепциясини ишлаб чиқиш ва шу концепция асосида тегишли хизматларни пухта ўйлаб, тез ислоҳ қилиш зарурати бор.

Олтинчидан. Иқтисодий тадбирлар ҳақида гапирмоқчиман. Илгари биз ислоҳотлар йўлидан аста-секин бориш сиёсатини тутган эдик, энди буни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Мен шундай хулосага келдим. Советларнинг бўлажак съездида биргаликда шуни муҳокама қилайлик, зикр этилган воқеалардан кейин биз энди бошқа даврда яшаётганлигимизни ҳисобга олиб, иқтисодий сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан жиддий тадбирлар кўрайлик. Ҳамма ишларни биргаликда қилишимиз керак. Назаримда ҳозир шу хусусда батафсил муҳоҳазаларни баён этсам, шошма-шошарлик бўлур эди. Аммо шунга қарамай баъзи мулоҳазаларни айтиш масъулиятини зиммамга оламан.

Бу, аввало, эски тузилмалар ва одамлар бозор йўлига қўйган барча сунъий тўсиқларни олиб ташлашдан. тадбиркорликка тўла эрк беришдан, монополизмни, юқоридан туриб мажбур этиш ва тазйиқ кўрсатиш усулларини бартараф этишдан, бозор иқтисодиётининг асосий муассасаларини барпо этишни жадаллаштиришдан иборатдир.

Иқтисодиётни бошқаришнинг оғирлик марказини республикаларга қатъият билан ўтказиш, демак, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги жавобгарликни ҳам улар зиммасига юклаш, лозим бўлади, айни вақтда ягона иқтисодий маконда қонуний тарзда иқтисодий жиҳатдан тартибга солиб туриш вазифалари Иттифоқ зиммасида қолади. Республикалараро иқтисодий комитет ғоясига қайтиш лозим. Кредит-молия сиёсатини тубдан қайта қуриш, бюджет харажатлари ва бюджет камомадини қатъият билан қисқартириш, сўмнинг қадрини кўтариш ва пул муомаласини нормага солиш лозим.

Ерда ишлаш ниятида бўлганларнинг ҳаммасига ер беришга халал бераётган тўсиқларни олиб ташлаш даркор, ер эса бор. Гап ерда эмас, балки ер ислоҳотининг катта одим ташлашида, бу ислоҳотга эркин нафас олиши учун шароит яратиб беришдадир. Бу ўринда бизнинг мададимиз зарур. Кузда ва қишда барча масалаларни ҳал этиш керак. Ҳозир ҳосилни йиғиштириб олиш, уни асраш ва ишларни давом эттириш керак. Кузда ва қишда нималарни ва қандай ҳал этиш кераклигини ўйлайдиган одамлар эса бор.

Шундан кейин ташқи иқтисодий соҳа валюта муносабатларини қатъият билан жадаллаштириш ва қайтадан тузиш, пулнинг эркин муомаласига тезроқ ўтиш ва ғарб мамлакатларининг кредитлардан ва улар кўрсатаётган бошқа иқтисодий ёрдамдан (улар бундай ёрдамни кўпайтиришга тайёрдирлар) самарали фойдаланиш. Мен билан суҳбатда ана шу мамлакатларнинг асосий раҳбарлари мамлакатнинг шу кунлардаги аҳволи, халқнинг ўзини тутиши Совет Иттифоқи ислоҳотлар йўлига узилкесил ва қатъият билан ўтганлигига уларни ишонтирганини тасдиқладилар ва улар биз билан ҳамкорликнинг зарурлигини, шу ҳамкорликни кучайтириш, кенгайтириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар.

Яна бир гап, биз ижтимоий сиёсатни сафсатабозликдан, асосланмаган ваъдалардан ва рўёбга чиқмайдиган дастурлардан, иқтисодий ваъдабозликдан ҳоли қилишимиз керак. Диққат-эътиборни бозорга ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш, ишга жойлаштириш, аҳолини, айниқса кам таъминланган аҳолининг турмуш даражасини сақлаб туриш масалаларига, уй-жой масалаларини ва шу кабиларни ҳал этишга қаратишимиз керак.

Биз учун озиқ-овқат ва ёнилғи-энергетика масаласи жуда ўткир бўлиб турибди. Шу хусусда барча республикалар таклифлар тайёрлашган. Ана шу икки йирик йўналиш бўйича масалани ҳал этиш имконияти бор. Шундагина, озиқ-овқат таъминотида узилишларга йўл қўймаслик ҳамда куз ва қишда ёнилғи, энергетика ресурслари билан таъминлаш мумкин бўлади.

Ана шу минбардан фойдаланиб, шу мушкул кезда мен деҳқонларимизга, барча қишлоқ аҳлига, кончилар, нефтчилар, газчилар, энергетикларга ўз иш жойингизда шай бўлиб туринг, ана шу асосий масалаларнинг ечилиши учун ҳамма ишларни қилинг, деб мурожаат этмоқчиман.

Менинг фармоним билан таъсис этилган, Иқтисодиётга оператив раҳбарлик қилиш қомитети ўзининг куч-ғайратини, аввало ана шу икки муаммога қаратиши керак. Бу ўринда кўп нарса республикалар ўртасидаги ҳамкорлик даражасига боғлиқдир.

Еттинчидан. Иттифоқ шартномаси имзоланиши биланоқ барча Иттифоқ органлари, шу жумладан Президент сайлови муносабати билан сайлов олди кампаниясини бошлаб юбориши керак.

Назаримда шу кунларда мамлакат бошидан кечирган асосий сабоқлардан келиб чиқадиган тадбирлар ана шулардир. Ана шу тадбирлардан ҳар бирининг аниқ-равшан мазмуни Олий Кенгашнинг комиссиялари ва комитетларида ва халқ депутатлари съездида пухта, тез, ишбилармонлик билан ва амалий тарзда ишлаб чиқилиши керак.

Бундан ташқари юқорида санаб ўтилган ташкилотлар қонунларнинг ижро этилиши ва қонунларга риоя этилиши юзасидан назорат воситаларини пухта ўйлаб чиқишлари керак. Шу хусусда таклифлар айтилди, булар қўллаб-қувватланиши керак деб ўйлайман.

Ахборотимда айтишим зарур бўлган барча гаплар ана шулардир, бу ахборот фожиали воқеалар изидан тайёрланди.

Ҳозир одамлар биздан ечимлар ва ишларни кутмоқдалар. Назаримда, Олий Кенгаш ва биз ҳаммамиз қонунийлик, тартиб амал қилиши учун ҳамма ишларни қилишимиз керак. Демак, кимки тўнтаришни тайёрлаган ва унда қатнашган бўлса қонунга биноан жазосини олиши, ҳеч ким жавобгарликдан қутилиб қолмаслиги керак. Аммо, иккинчи жиҳатдан, барча демократик кучлар ва бутун халқ қандайдир кучлар ҳозир биз қилаётган барча эзгу ишларни бадном этадиган васвасанинг ўз-ўзидан бошланиб кетиши йўлига ўтишларига йўл қўйиб берилишига қаршидирлар, деб ўйлайман. Агар шундай қилинса, кўнгли ғулғулани истаб турган кишиларнинг тегирмонига сув қуйилган бўлур эди.

Шу билан ахборотимни тугатаман.

• Янги ўқув йили арафасида

ЛИЦЕЙ МАКТАБИ

Пойтахтимизнинг Сирғали районида янги лицей мактаби фойдаланишга топширилди. Бу ерда алоҳида танловдан ўтган иқтидорли болалар физика-математика ва химия фанлари бўйича билим оладилар. Уларга араб ва инглиз тиллари ўргатилади. Мақсад лицейни битириб чиққан талабаларда билимдон ва ишбилармон кишилар сифатида жумҳуриятимиз ва хорижий давлатларда фаолият кўрсатиш қобилияти касб эттиришдан иборат.

— Янги мактабга иқтидорли ўқитувчиларни ишга олиш, бунинг учун камида ўн йиллик иш тажрибасига эга бўлган, ёшлар руҳиятини яхши тушунадиган Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг касб танлаш маркази кўрик-танловидан ўтган мутахассислар қабул қилинмоқда. Айни чоғда лицейда болаларни ўқишга қабул қилишда ҳам алоҳида танлов талабларига риоя қилинмоқда, — дейди Сирғали халқ таълими бўлими мудири Т. Султонов.— Албатта, ўқитишнинг пулли бўлиши кўзда тутилган. Лекин биз ўзбек оилаларининг серфарзанд бўлишини назарда тутиб, корхона ва ташкилотларнинг хомийлик тарзидаги моддий рағбатидан фойдаланишга аҳд қилдик. Жумладан, райондаги 243-завод, тажриба-техника заводи каби корхоналар ёрдам қўлини чўзишди. Меъморчилик, тўқимачилик ва химия институтлари билан шартномалар тузилган. Ўйлаймизки, лицей мактаби талабалари яқин келажакда истиқболли ёшлар бўлиб етишадилар.

У. МАНСУРОВА.

ПУХТА ТАРАДДУД

Пойтахтимиз халқ таълими муассасалари янги ўқув йилига тахт ҳолда келдилар. Жумладан, Куйбишев ноҳиясидаги 241-мактаб педагогика жамоаси ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширди. Янги ўқув йилига 13 минг сўмлик янги техника асбоблари, кўргазмали қуроллар, мебеллар сотиб олинди.

Мактабда 1991-92 ўқув йилида 8-9-синфларда химия фанини чуқур ўзлаштириш режалаштирилган. Биринчи, бешинчи, ўнинчи синф ўқувчилари орасидан иқтидорли ёшлар танланиб, алоҳида синф ташкил қилинди. Бу ўқувчиларга малакали, тажрибали ўқитувчилар дарс беради. Педагоглар жамоаси бу махсус синфларда таълим бериш учун ўз фанлари бўйича дастур устида ишладилар.

— Мактаб директорининг вазифаси асосан ўқув-тарбия жараёнини талаб даражасида ташкил этишдан иборат бўлмоғи лозим, — дейди мактаб директори, халқ маорифи аълочиси М. Раҳимжонова. — Афсуски, ҳамма вақт ҳам ишимиз рисоладагидек кўчмаяпти. Кўпинча биз мактаб директорлари хўжалик ишлари билан банд бўлиб қоламиз. Бу эса ўқувчиларнинг пухта билим олишларига салбий таъсир этади.

Икки йилдирки, мактабда эски ўзбек ёзуви дарси ўтиляпти. Ўтган ўқув йилида мактаб кенгаши қарорига асосан 5-11-синфларда «Одобнома» дарслари ўтилди. Бу машғулотларни ҳар бир синф раҳбари ўзи масъул бўлган синфларда олиб борди.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Назира Шодмонованинг қўйган баҳоси бу йил олий ўқув юртлари имтиҳони кафолатини олди.

Т. УНАБОЕВ.

● Бухоро қоракўл заводи қошида «Бухоро—Омега» совет-грек қўшма корхонаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида ҳамкор корхона вакиллари қоракўл, сувсар ва сассиқ кўзан мўйнасидан турли хил маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишди. Эндиликда мўйнадан тикилган ноёб буюмлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Суратда: грек фирмаси вакили Ильяс Антонио Кастбиро ўз ҳамкасбига хорижий ускуналардан фойдаланиш сирларини ўргатмоқда.

В. МИРОШНИЧЕНКО олган сурат.

• Босилмаган хатлар изидан

БОЛАЛАРГА НАФАҚАЛАР

Чироқчи районидан Ойсара Нафасова турмуш ўртоғи 3 йил бурун вафот этиб кетгани, 5 бола билан қолгани, болаларининг ҳаммаси мактаб ёшидалиги, ўзи эса муаллима бўлиб ишлаётганлиги, мактаб маъмурияти болаларига нафақа тўламаётганлиги ҳақида таҳририятга шикоят хат ёзганди.

Шу хат юзасидан Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлигидан рўзномага хабар қилинишича, чакана нархларнинг ошиши муносабати билан 1991 йил 1 апрелдан 6 ёшдан 16 ёшгача, стипендия олмай ўқиса, 18 ёшгача бўлган ҳар бир бола учун 40 сўмдан нафақа белгиланди. Бу нафақа онанинг иш жойидан, ҳар иккаласи ҳам ишламаса район ижтимоий таъминот бўлимидан тайинланадиган ва тўланадиган бўлди.

Аризангиз мазмунига кўра, дейилади расмий жавобда, сиз болаларингизга вафот этган турмуш ўртоғингиз учун район ижтимоий таъминот бўлимидан боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиб келар экансиз. Шу нафақангиз район ижтимоий таъминот бўлимидан ҳар бир болангиз учун 65 сўмдан тўлов пули қўшиб тўланаётганлиги сабабли болаларингиз учун иш жойидан юқорида кўрсатилган 40 сўмлик нафақа тўланмайди. Бир йўла шуни маълум қиламизки, болалар кийим-кечаклари нархининг ошиши муносабати билан 1991 йил апрель ойидан бир йилга олти ёшгача бўлган бола учун 200 сўм, 6 ёшдан 13 ёшгача 240 сўм, 13 ёшдан 18 ёшгача 280 сўм миқдорида кварталга тақсимлаб тўланадиган мақсадли тўлов жорий қилинди.

Бу товон болалар кийим-кечаклари нархи ошиши муносабати билан шу харажатларни қоплашни назарда тутганлиги сабабли оиласининг умумий даромади 180 сўмдан ошмаса 18 ёшгача бўлган ҳар бир бола учун пенсия ва нафақа олишдан қатъий назар таъминланади ва тўланади.

Сизга иш жойидан болаларингиз учун шу мақсадли тўлов белгиланиши керак.

ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛДИ

СССРнинг бир қанча вазирликлари ва идоралари ғоят муҳимлигини ва аввалги раҳбариятнинг ноёнчилар билан амалий ҳамкорлик қилганлиги муносабати билан мазкур вазирликлар ва идораларда вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олиб РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси, мамлакат халқ хўжалигини оператив бошқариш комитети раҳбари И. С. Силаев СССР Президенти билан келишиб, шу муассасаларнинг янги раҳбарияти тайинлангунга қадар уларни бошқариш вазифаларини РСФСР ҳукуматининг тегишли аъзолари ва мансабдор шахслари зиммасига юклади:

СССР Давлат банки — Андрей Викторович **Зверев**

СССР Молия вазирлиги — Игорь Николаевич **Лазарев**

СССР Савдо вазирлиги — Александр Федорович **Хлистов**

СССР Ташқи иқтисодий банки — Валерий Михайлович **Телегин**

СССР Иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлиги — Евгений Федорович **Сабуров**

СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги — Валерий Александрович **Мангазеев**

СССР Савдо-саноат палатаси — Михаил Васильевич **Курячев**

СССР Вазирлар Маҳкамасининг аппарати — Алла Анатольевна **Захарова**

РСФСР Президентининг Ахборот бўлими.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«НОВОСТИ» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА

«Новости» ахборот агентлиги РСФСР қарамоғига топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль. 1991 йил 26 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Л. П. КРАВЧЕНКОНИ БУТУНИТТИФОҚ ДАВЛАТ ТЕЛЕКЎРСАТУВ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ КОМПАНИЯСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Леонид Петрович **Кравченко** Бутуниттифоқ давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Л. Н. СПИРИДОНОВНИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Лев Николаевич **Спиридонов** Совет Иттифоқи Телеграф агентлигининг Бош директори вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

ИТТИФОҚ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЛУКЬЯНОВ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ

МОСКВА, 27 август. ТАСС. нинг парламентдаги мухбирлари хабар қиладилар:

26 август куни кечқурун СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Анатолий Лукьяновнинг 1991 йил 18-21 август воқеаларида Иттифоқ парламенти раҳбариятининг ролини муҳокама қилиш якунларига қадар СССР Олий Кенгашининг Раиси вазифасини ижро этишини тўхтатиб туришга қарор қилинди. Шу масала юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

А. И. ЛУКЬЯНОВНИНГ СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ВАЗИФАСИНИ ИЖРО ЭТИШИНИ ТЎХТАТИБ ҚУЙИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьяновни СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлисларини ва СССР Олий Кенгашининг сессиясини бошқаришдан четлаштириш тўғрисидаги СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 22 август қарорига асосланиб **қарор қилади:**

1. СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори тасдиқлансин ва мажлисларни бошқариш СССР Конституциясининг 111-моддасига биноан палаталарнинг раисларига топширилсин.

2. СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьяновнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризаси ушбу сессия кун тартибининг 3-бандини муҳокама қилиш вақтида кўриб чиқилсин.

3. СССР Олий Кенгаши раҳбариятининг шу йил 18-21 августдаги воқеаларидаги ролини муҳокама қилиш якунларига қадар А. И. Лукьяновнинг СССР Олий Кенгаши Раиси вазифасини ижро этиши тўхтатиб турилсин.

СССР Олий Кенгаши

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

БЕШ ЧАНОҚ

ЁКИ КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Президентларининг Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган учрашуви бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бир йил муқаддам Олмаотада эришилган ахдномалар ва битимлар қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилиши билан бирга янги, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бу мулоқот минтақа республикалари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб, ўткир муаммоларни ҳал этишга доир чора-тадбирларни биргаликда, баҳамжиҳат белгилаш имконини беради. Беш пахтакор республика раҳбарларининг Тошкент кенгаши қардош халқлар олдида турган долзарб вазифаларни беками-кўст бажаришга катта ёрдам бериши шак-шубҳасиздир.

Пахта чанағини беш бармоққа қиёс қилишади. Жуда рамзий маъно бор бунда. Ери-ерига туташ Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон халқларининг бой тарихи, маданияти ва урф-одатлари Ўзбекистон учун яхши танишгина бўлиб қолмай, балки беш бармоқдай чатишиб ҳам кетгани аниқ. Яна бунинг устига ризқ-насибалари ҳам пахтадан! Қолаверса, у қадимдан ота-боболаримиздан мерос...

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазири Мирзажон Йўлдошевич ИСЛОМОВ билан мулоқотимиз ҳам пахтамиз, яъни беш чаноқ — ана шу дўстлик рамзидан бошланди.

— Кўз очиб кўрганим пахта десам муболаға бўлмайди, — деб табассум билан сўз бошлади у.. — Инсон таваллудидан тортиб узлатга оёқ узатгунича пахтага йўғрилади-да. Инсоннинг умрбод йўлдоши у. Ҳатто армияда хизмат қилган йигитлардан сўранг: «ХБ»ни яхши кўришади, яъни пахтадан тайёрланган уст-бошни. Ёзувчи-шоирларни-ку қўяверинг, «Синчалак» «Диёнат», «Уфқ» — асарларининг ҳаммасида пахта мадҳи, муаммоси.



— Пахтани мақтайвериб шоншуҳратларга буркадик, тўғри. Аммо бугунги кунда кўпроқ унинг қийинчиликлари ҳақида, «Ўзбеклар иши» ҳақида ёзишга тўғри келяпти. Бунга нима дейсиз?

— Мен Фарғона вилоятида катта бўлганман. Минглаб пахтакорлар ҳалол меҳнати билан шуҳрат қозониб келишяпти. Турғунлик даврида бир тўда бегона одамлар пахтадек покиза шаънимизни булғашга уринган эдилар, бир шиша сиёҳ дарёга ташлангани билан унинг суви ўзгариб қолгани йўқ. Дарё ўша-ўша мусаффолигича қолди.

— Қардошларимиз, виждонли кишилар ҳам қараб туришгани йўқ. Ўзбекнинг юзини яна ёруғ қилиш учун жон қуйдиришди. Машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Правда» рўзномасидаги юраги нидоси эсингиздами!

— Шунинг учун айтадилар-да, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб! Қон-қардошларимиз шунақа кунларда жонга аро киришмаса, қачон киради? Айрилган тўзади, бириккан ўзади, дейишади-ку, ахир. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас. Ҳа, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман ва ўзбеклар азалдан оға-ини, қуда-анда, ёр-биродар эдик, бундан кейин ҳам ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Бунга ҳар биримизнинг ишончимиз комил.

— Икковга биров ботолмас, отлиққа ёв етолмас, дейишади. Ўрта Осиё ва Қозоғистонинг бешовлон биродарларининг Олмаотадаги ҳаяжонли ва завқли учрашувлари шундоққина ёдимизда турибди.

— Бирлашган тоғни талқон қиларкан. Биз дўстларга доимо дилимизни тоза тутиб келганмиз.

— Бир майизни қирққа бўлиб еган халқлармиз. Бойлик — бойлик эмас, бирлик — бойлик. Ҳозирги оғир иқтисодий шароитда, бозор иқтисодиётига ўтиш айёмида бунинг аҳамиятига не етсин. Бу ҳақда фикрингиз қандай!

— Фикрларим кўп. Аввало, шукурлар бўлсинки, турғунлик даврининг иллатлари — тўрачилик, буйруқбозлик, зўравонлик сиёсати синиб, деҳқон эрки юзага чиқди. Қўқрагимизга шамол тегди. Ҳозирги иқтисодий шароитда жумҳуриятлараро борди-келди, олди-берди шартномаларимиз ишларимизга ривож беряпти.. Шу баҳона янада кўз-кўзга тушиб, қардошларимизда ўрганиб, ҳам уларга ўргатиб ота-боболаримиз васиятини амалга оширяпмиз. Бир-икки мисол айтмоқчиман. Бизнинг Фарғона, Самарқанд вилоятларида айниқса «Қирғиз-3» тезпишар ғўза навидан деҳқонларимиз хурсанд. Уни ҳозир ўзлари кўпайтириш йўлини ҳам эгаллаб олишди. Еки Бутуниттифоқ пахтачилик муаммолари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ишини олайлик. Ўрта Осиё жумҳуриятларида навбатма-навбат унинг йиғилишлари ўтказилади. Олдин Тожикистонда, Туркманистонда, бултур эса бизда бўлишди, баҳамжиҳат деҳқончилик сирларини ўртоқлашишди. Туркманистондаги Иолатан деҳқончилик илмгоҳи элликта уруғчилик хўжаликлари ишини назорат қилади. Уруғни ўзи кўпайтириб, колхоз-совхозларга тарқатади. Иттифоқимизда Туркманистон шу янгиликни биринчилар қаторида жорий этяпти. Бизда эса бу нарса йўқ. Демак ўрганишимиз керак. Негаки, бутун дунёда пахта уруғини тайёрлаш илмгоҳлар измида: фақат ана шу илмгоҳлар орқали хўжаликларга тарқатилади.

Еки Қозоғистонни олайлик. Бу йил биз уларга тўқ қиз минг тонна пахта толаси берамиз. Тўғридан-тўғри мол айрибошлаш йўли билан уларга яна ўсимлик ёғи, кўплаб мева-сабзавотлар, консерва ва бошқа маҳсулотлар юборамиз. Улар эса бизга бир неча ўн миллион сўмлик резина-техника маҳсулотлари, минерал ўғитлар, металл, асбоб-ускуна ва ҳоказолар етказиб беришади. Ҳа, айтгандек, илгари, ҳатто бултур ҳам зотли, йирик ва майда шохли қорамоллар олардик. Бу йил эса бу нарсалар муаммо бўлиб турибди. Шу ҳақда ҳам ҳамкорлигимиз керак.

— Бошқа жумҳуриятлар билан «олди-берди»ларимиз қандай!

— Тожик дўстларимиздан хисор қўйлари, эчкилар, кенг истеъмол буюмлари оляпмиз. Уларга тамаки беряпмиз. Қирғиз биродарларимизга ўсимлик ёғи берамиз. Улар эса бизга шакар, эҳтиёт қисмлар, транспорт тиркагичлари ва бошқа маҳсулотлар беришяпти. Уларнинг яйловларидан фойдаланяпмиз. Бу ишларни янада кенгайтирмоқчимиз. Туркман қардошларимизга кенг истеъмол моллари, консервалар беряпмиз. Улардан эса йилқи, зотли қорамол, қўйлар олиб келардик. Негадир, бу йил шу иш тўхтаб турибди. Истагимиз — қўшни жумҳуриятлар билан, масалан, Қозоғистон, Қирғизистон билан қанд, спирт тайёрловчи қўшма корхоналари қурсак. Гўшт, донни бизга кўпроқ беришса. Биз ҳам қараб турмасдик. Негаки уларга зарур барча маҳсулотлар — озиқ-овқат, мева-чева бизда сероб. Имконият ва ресурсларимиз кўп.

Бултурдан бошлаб, пахтамизни янгичасига, яъни ўзимиз сота бошладик. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари бундан кейин мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлибгина қолмай, ўз мулкининг ҳақиқий султонига айланади. Бир ёқадан бош чиқариб ишласак, бозор иқтисодиёти бизга кулиб боқишига аминман.

— Қардош пахтакорлар аввалари бир-бирларига ўзаро текшириш бригадалари юбориб туришарди. Бу анъана негадир кейинги йилларда кўринмай қолди.

— Кўз кўзга тушиб, дилда меҳр ипларини янада мустаҳкамлайдиган бу анъанани ҳам тиклаш пайти келди, деб ўйлайман. Ахир, тажрибаларимизни бир-биримизга ўргатсак, бунинг нимаси ёмон?

— Яхши истаклар рўёбга чиқишига тилакдошмиз!

Суҳбатдош Ҳамид ИКРОМОВ.

ЁДНОМА

УМР

РЕСПУБЛИКАДА ДАВЛАТШУНОСЛИК ФАНИГА АСОС СОЛГАН ОЛИМ ОТАБОЙ ЭШОНОВ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Умр — томирлар бўйлаб оққан қон. У ўз фаолиятида кимнидир олим қилиб тарбиялайди, кимдир бу даврни умргузаронлик билан ўтказади. Довон машаққатини чеккан, теран халқнинг оддий халқасидан бирига айлана билган ва эртани ёруғ кўра олган одамгина олимдир.

Умр поёнига етгач ҳақиқий олим томирларида қон эмас, энди, энди сўз... Сўз оқади. Ёруғ хотиралар, учрашувлар, баҳсу мунозаралар, яхшиликлар, бош силанган кезлар бир зум тинмайди.

* * *

Таниқли адабиётшунос, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофоти совриндори Иброҳим ҒАФУРОВ ёзади:

— Гўдаклик чоғларимизда Тошкентнинг шимол чеккасидаги бизнинг маҳалла томонлар боғзор маҳаллалар ҳисобланарди. Кета-кетгунча бир-бирига туташ, ғалати, гўзал, тенгсиз боғлар эди.

Аллақайда Отабой Эшонов, аллақайда Ғафур Ғулом, аллақайда Қуддус Муҳаммадий деган улуғ одамлар яшайди, деб бизга қўшни маҳаллаларнинг номларини айтишарди, лекин бунинг қайдалигини биз билмасдик. Лекин қайдадир, шу яқин атрофда шундай катта одамлар яшаши, истиқомат қилишини билиб кўнглимиз ўсарди, мурғак кўкракларимизда ифтихорга ўхшаш алланималар жимирлаб қўярди...

* * *

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. КУДРЯВЦЕВ:

— Ўзбекистон ССРнинг юрист олимлари ва аввалгамбор О. Э. Эшонов ЎзССР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилишидан олдинроқ жумҳуриятда юридик кадрлар тайёрлаш ва юридик илмий-тадқиқот муассасалари яратиш бўйича катта ишларни амалга оширишди.

Юрист олимларнинг кўплаб илмий-назарий конференциялари ишига раҳбарлик қилган ташкилотчи олим Отабой Эшоновичнинг республикада тарих, ҳуқуқ фанларини ривожлантиришдаги ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги беқиёс хизматлари беиз кетганмас. Сермаҳсул илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти учун у 1960 йили 8 январда ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йили 14 июнда эса «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Бухорони Айнийдан, Айнийни Бухородан ажратиб бўлмаганидек, илмий жамоатчиликка энг аввало академик И. К. Додоновнинг ибораси билан айтганда, ниҳоятда мураккаб муаммо — Бухоро хонлигининг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тузилиши ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихининг барча қирраларини ёркин ёрита олган биринчи ва энг йирик тадқиқотчиси сифатида Иттифоққа танилган, 1916 йили 15 мартда Тошкентда туғилиб, 1990 йил 2 октябрда вафот этган атоқли энциклопедист олим Отабой Эшонов ҳам ҳали совуб улгурмаган 1920 йилги халқ революцияси тарихининг қатлам-қатламларига руҳан сингиб кетмаганмикан?

Бу муаммонинг ечими Отабой Эшоновичнинг игна билан қудуқ қазилгандек, қарийб 30 йиллик заҳматлари эвазига туғилган асосий асарларидан бири «Бухоро Халқ Совет Республикаси» китобида муҳрланган.

Ниҳоятда мураккаб бу муаммони олим қандай ечганди?

* * *

1941 йил, 17 февраль, 25 ёшлик биринчи ўзбек давлатшунос олими Отабой Эшонов Ленинград юридик институтида «XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг ижтимоий тузуми» мавзуида юридик фанлар кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1950 йил 10 май — «Ўзбекистон ССРнинг давлат ва ҳуқуқи» дарслигининг муаллифларидан бири сифатида Иттифоққа танила борган олим СССР Фанлар академиясининг ҳуқуқ институтида 34 ёшдаёқ «Бухоро Халқ Совет Республикасининг давлат тузуми» деб номланган узоқ йиллик илмий-тадқиқот учун юридик фанлари доктори илмий даражасини олди.

1956 йил олим илмий фаолиятининг бурилиш нуқтаси бўлди.

— Мен ҳозирга қадар тадқиқотчилар етиша олмаган мутлақо махфий архив материаллари устида узоқ тунлар ишладим, — деб ёзганди О. Эшонов. — Архивда топилган ниҳоятда қимматли материаллар менга Бухоро инқилоби, Бухоро Компартияси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси билан боғлиқ бир қанча туб муаммоларни янгича ёритиш ва ёш бухороликларнинг инқилобдаги ролини илмий баҳолаш имконини берди.

Халқнинг миллий ғурури, қадриятлари ҳақида сўз кетганда, Отабой Эшонов ҳамма буюк олимларга ҳам насиб қилавермайдиган даражада руҳан жасур, фикран теран, табиатан журъатли ва жўшқин инсон эди.

Унинг раҳбарлигида ЎзССРнинг атоқли давлат арбоби Ф. Хўжаевнинг уч жилдлик «Танланган асарлари» нашр этилди. Мазкур ишнинг якуни сифатида олим биринчи ўзбек кўмондони, сохта сиёсатнинг алданган қурбони ҳаёти ва фаолиятига доир ёзган илмий-оммабоп китоб — («Файзулла Хўжаев») мен айтган жасоратнинг биргина қирраси эмасмикан?!

Файзулла Хўжаев асарларининг уч жилдлиги фанга хизмат қилмоқда.

— Мен ҳам Қозоғистон ФАнинг академиги Мурод Боймахановнинг ибораси билан тожикистонлик юридик фанлари доктори Очилбой Усмоновнинг қалб сўзини чатиштириб-жипслаштириб айтганда, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳуқуқшунослик фанининг оқсоқоли — Отабой Эшонович Эшоновдек атоқли, гуманист ва интернационалист олимдан таълим олганимдан чексиз бахтиёрман, — дейди ашхободлик олим, профессор Ота Хайтлиев.

Сўнгги қирқ йил ичида ҳуқуқ, тарих ва иқтисод фанларидан 110 та кандидатлик, 40 та докторлик диссертацияси тайёрланиши ва ёқланишида расмий оппонент, илмий раҳбар, консультант сифатида бевосита қатнашган Отабой Эшоновичга:

«Диссертация ёқлаганимни сизга дарҳол хабар қилмаганим учун маъзур тутгай сиз. Диссертацияни муваффақиятли ёқлашимда сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Сизнинг мулоҳазаларингиз кенгашда ўқиб эшиттирилди ва у кенгаш хулосасига ўз таъсирини ўтказгани шак-шубҳасиз. Мендек бир шогирдингизга жуда катта эътибор билан қарагинингиз учун сиздан бениҳоят миннатдорман», деган хатлари бўйича 110 та кандидатлик, 40 та докторлик диссертацияси тайёрланиши ва ёқланишида расмий оппонент, илмий раҳбар, консультант сифатида бевосита қатнашган Отабой Эшоновичга:

«Диссертация ёқлаганимни сизга дарҳол хабар қилмаганим учун маъзур тутгай сиз. Диссертацияни муваффақиятли ёқлашимда сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Сизнинг мулоҳазаларингиз кенгашда ўқиб эшиттирилди ва у кенгаш хулосасига ўз таъсирини ўтказгани шак-шубҳасиз. Мендек бир шогирдингизга жуда катта эътибор билан қарагинингиз учун сиздан бениҳоят миннатдорман», деган хатлар келарди. Чунки О. Эшоновнинг сўзи СССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Украина ССР Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Қозоғистон ва Қирғизистон Фанлар академиялари Фалсафа ва ҳуқуқ институтлари, Туркманистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ бўлими, Москва, Ленинград, Тожикистон, Ашхобод, Қозоғистон, ва Қирғизистон давлат дорилфунунлари юридик факультетлари олимларининг даврасида мўътабар бир илмий кенгашнинг қарорича кучга эга эди».

* * *

Узбекистон Фанлар академияси фалсафа кафедрасининг профессори М. АБРОРОВ:

— Устоз Отабой Эшонов мушоҳадаси теран, илмий кўлами кенг, билимга бой, меҳрибон инсон ва олим эди. Унинг Ғарб ва Шарқ фалсафасини, ҳуқуқшунослик илми ва унинг тарихини чуқур ўргангани ҳар бир сўзи ҳамда ҳар бир маърузасидан сезилиб турарди.

Тарих ва ҳуқуқ илмининг аллома билимдони, маданий меросимиз жонкуяри бўлган улкан олим Отабой Эшонов ислом (шариат қонунлари, яъни фиқҳ) илмидан ҳам яхши хабардор эди. Буни унинг академияга фалсафа, социология ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича илмий иш учун таклиф этган «Шариат ва халқ» (миллат), «Шариат — «араб қонунчилиги» (К. Маркс) — илк феодал даври ҳуқуқи кодекси», «Шариат ва давлат ҳокимияти», «Шариат ва одат» каби ўттизга яқин мавзу мазмунидан ҳам билса бўлади. Мазкур мавзулар ўз навбатида домланинг шариатига оид кўпгина араб ва форс тилидаги илмий адабиётлар билан таниш эканини кўрсатади.

* * *

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Ғ. АБДУМАЖИДОВ:

— Улкан инсон ва ҳуқуқшунос олим, бағри кенг ва адолатпарвар адлиячи Отабой Эшоновни билмаган ва танимаган одам жумҳуриятимизда кам топилади. У доимо ҳақиқат ва адолатнинг тарафдори эди.

Республикамиз олимлари орасида ёшларга ғамхўрлик қилиш борасида унга тенг келадиган олим йўқ эди, деса муболаға бўлмайди. Ҳамон ёдимда. Бир гуруҳ ўзбекистонлик ёшлар Ленинград дорилфунунининг аспирантурасида таҳсил олар эдик. Ўшанда республика Фанлар академиясининг Президенти Ҳабиб Абдуллаев ва «Фалсафа ва ҳуқуқ» институтининг директори Отабой Эшонов Ленинградга келишган экан. Улар барча аспирантлар билан юзма-юз гаплашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, — тегишли ёрдамни кўрсатган эдилар. Жумладан, бевосита Отабой аканинг ёрдами да Ленинграддаги босмахоналардан бири билан шартнома тузиб, иккита китобимни нашр эттирган эдим. Мен устознинг бу самимий ёрдамини сира унутмайман.

Умуман олганда, Отабой Эшонов умрнинг сўнгги дақиқасигача жумҳуриятимизда ҳуқуқшунослик илмининг зукко билимдони ва ёш олимларнинг бебаҳо мураббийси ва раҳнамоси бўлиб қолди. Биз шогирдларининг қалбида у ана шундай сиймо бўлиб яшайди.

* * *

Отабой Эшонов ёруғ из қолдирди. Бу қутлуғ издан юзлаб дўстлари, шогирдлари, ўғил-қизлари, набира, чевара ва эваралари боряпти. Демакки, олим қони қонларда, сўзи сўзларда, дили дилларда пайванд. Умр деганлари шу-да!

Мирза КАРИМ.

*

● Бу йилги ҳосил тақдири ҳамма қатори Хоразм вилоятидаги А. Беруний номли жамоа хўжалиги аъзоларини ҳам бир ғайратга-ўн ғайрат қўшиб ишлашга ундамоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу ерда ҳосил чўғи баланд. И. Нуржонов етакчилик қилаётган бригадада 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилинган.

Суратда: бригадир И. Нуржонов, жамоа хўжалиги раиси Р. Ражабов ва сувчи Р. Отажоновлар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат (ЎзТАГ).

*

Лўқма

НОМИ БОРУ, ЎЗИ ЙЎҚ

Олтинсой районидаги давлат хўжаликларининг бири «Шакарқамиш» номи билан юритилади. 1948 йилдан бу ерда шакарқамиш экиларди. Аммо...

Ҳозир экилмайди. Қарасаларки, бу ширин экиннинг меҳнати анча аччиқ экан: гектарига ўн тонна уруғ экилади ва ўша гектардан 10 минг центнер ҳосилни асосан қўл кучи билан йиғиштириб олишга тўғри келади. Энди ҳар йили 110-120 гектарда шундай меҳнат сингиши лозимлигини тасаввур қилинг. Бунинг устига ром цехи хўжаликка бўйсинмайдиган алоҳида «корхона» эди. У хом ашё — шакарқамишни хўжаликдан арзон нархда сотиб оларди-да, дастлабки (ҳали истеъмолга тайёр бўлмаган) маҳсулотни бочкаларга қўйиб, аллақайси, заводларга жўнатарди.

Гарчи орадан беш йил ўтган бўлса-да, нарх-наво, шароит, талаб ва таклиф ўзгарди. Бугунги кунда шакарнинг ширинлиги ортди, яъни унинг баҳоси уч баравар ошгани билан, тақчил бўлиб қолди. Шакарқамиш ўсимлигининг турган-битгани — 80 фоизи шакар моддасидан иборат. Хўжалик ўз ҳудудидан шакар ажратиш цехини ва ром цехини қурса, шундан сўнг яна шакарқамиш экишни бошласа, ўшанда бу зироат узумдан ҳам кўпроқ даромад берар.

Эртанги кунга тааллуқли бўлган бу гапларга хўжаликнинг директори Чори Худойқулов мужмалроқ муносабат билдирди. Ёш директорни ҳам тўғри тушунмоқ керак. Ахир давлат идораларининг кўмагисиз бу ишларни амалга ошириб бўлмаслигига унинг кўзи етиб турибди-да. Эҳтимол, рўзномамиз Термиздан ёки Тошкентдаги тегишли идоралардан шу хусусда бирон илиқ жавоб олиб қолар.

О. УСАНОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАЛҚА ТАРМОҚ

Ҳар йили қиш фаслида Наманганнинг Марғилон, Қўқон, Ҳамза, Ғалча кўчаларида, шунингдек, Ленин шохкўчасида истиқомат қилаётганлар газ таъминоти ёмонлигидан арз-шикоят қилар эдилар.

Наманган шаҳар газалаштириш корхонаси жамоаси бу муаммони ечиш йўлини топди. «Октябрь 25 йиллиги», Нодира, Гагарин кўчалари магистраль газопроводини бир халқага улашди. Бунинг учун 219 миллиметрли қувурдан 750 метри сарф қилинди ва ўртача босимдаги газ тармоқлари бир-бирига уланди. Эндиликда Ленин шоҳкўчаси, Марғилон ва Қўқон кўчасидаги газ тармоқларида доимий равишда ўртача босимдаги табиий газ оқими бир меъёрда бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1991 йил учун мўлжалланган 15 километрли газ линияси қурилиши бу ерда етти ойдаёқ шараф билан уддаланди.

Т. СУЛАЙМОНОВ, «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигига

БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Тоғай Идиқуловнинг номини тилга олгудай бўлсангиз, у яшаб меҳнат қилган, обрўэътибор топган Ильич районидаги «Правда» давлат хўжалигидагина эмас, балки Сирдарё вилоятида ҳам кўпчилик у одамни танишини, ҳалол ва дилкаш одам бўлганини айтишади. Мен ҳам у кишини танир эдим. Рўзнома топшириқлари билан хўжаликда, у киши ҳузурида кўп бўлганман. Тенгқурлари ва сафдошлари билан суҳбатлашганман. Турли йиғилишларнинг минбарида кўрганман. Ёдимда қолган суҳбатларидан бири шу эдики, Тоғай акани қаерда, қайси ҳолатда кўрманг у доимо бирдай эди: хотиржам, камтарин, камсуқум, ўз ишини, қадр-қимматини пок сақлай биладиган инсон эди.

«Правда» давлат хўжалиги ҳозирги пайтда вилоятдаги йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Унинг бағрида серҳосил боғ-роғлар, сўлим хиёбонлар талайгина. Кафтдек текис асфальт йўллар, кўм-кўк далалар ва сув йўлларини кўриб кўзингиз қувонади. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда йирик иссиқхона хўжалиги барпо этилди. Бошқа моддий бойлик манбалари яратилди.

Лекин ана шу халқ мулкига айланиб қолган, одамлар бахт-саодати, ризқ-рўзи учун хизмат қилаётган манбаларнинг нақадар катта меҳнатлар, қаҳрамонона курашлар эвазига бунёд этилганини бугунги ёш авлод яхши билармикан? Ўша йиллардаги кураш суронларини тасаввур эта олармикан?

Хўжаликнинг ташкил топганига деярли 30 йил бўлаётир. Ана шу давр мобайнида чўлқуварлар томонидан амалга оширилган ишларни ўйласанг, беихтиёр ўша давр жонкуярлари номига таҳсинлар айтгинг келади.

1961 йилга келиб қўриқда уч хўжалик ҳозирги Узоқов номли, Гагарин номли ҳамда Титов номли совхозлар пайдо бўлди. Орадан яна бир йил ўтгандан сўнг қўриқ баҳодирларининг фидокорона меҳнати туфайли беш хўжалик барпо этилди. Ильич районидаги «Правда» совхози ана шуларнинг тўнғичларидан бири эди.

Келинг, ўша йилларнинг дастлабки баҳорига назар ташлаб кўрайлик.

Марказ учун танланган жойда тупроқ уюмлари ястаниб ётарди. Бу ердаги тўрттта чодирда ҳам идора, ҳам ётоқхона, ҳам ошхона, жойлашган эди. Чўлқуварлар бу ерни идора эмас, совхоз штаби деб аташни яхши кўрардилар. Чунки бу ер ҳақиқатан ҳам идорадан кўра кўпроқ штабга ўхшаб кетарди.

Чодирлар кечалари «К-100» тракторининг қудратли моторини юргизиб олинаётган электр қуввати билан ёритиларди. Бўлимларда эса атиги биттадан чодир бўлиб, кечалари тошчироқлар иш берарди. Бўлим бошлиқлари, бригадирлар тунда адашиб қолмаслик учун хўжалик марказига уч-тўрт киши бўлиб тракторларда келар эдилар.

Шундай кунларнинг бирида трактор бўлмай қолди. Йиғилиш эса ярим тунгача чўзилиб кетди. Чўлқуварлар сафига қўшилган икки оғайни — булунғурлик Ғайбулла Олтмишев билан жиззахлик Тоғай Идиқуловлар ўша кечки мажлисдан бригаликда пиёда қайтишга мажбур бўлдилар.

Ҳаммаёқ тун қоронғусига чўмилган. Чўлда на бир чироқ, на бир тайинли йўл бор эди. Вақт эса ярим тунда ит ҳуриб чақирар экан. Лекин бу жойларда ит тугул, бошқа жониворнинг изларидан ҳам йўқ эди.

Улар чўл биёбонда адашиб қолдилар. Ниҳоят, атроф ёриша бошлаганда ўз жойларидан анча олислаб кетганини сезиб қолдилар. Тун билан юриб ҳориган бўлсаларда яна умид билан йўлга тушдилар...

Чўлдаги шароит, аҳвол ва ишлар ана шундай эди. Бундай қийинчиликларга баъзилар чидай олмади.

Тоғай Идиқулов эса ориятли кишилардан эди. У чўлдан кетишни эмас, қаётда ўз ўрнини топишни ўйларди. 1964 йили Тоғай Идиқуловни совхоз маъмурияти 5-бўлимнинг 27-бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади. Бу пайтда янги бригадада унинг ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Демак, ўзига билдирилган катта ишончни оқлаши, астойдил жон куйдириши лозим эди.

Кўп ўтмай механизатор Назар Норбоев, сувчилардан Анорбой Эралиев, Эргаш Бегалиев, Қодирқул Жабборовлар унинг сафига қўшилишди. Натижада чўл бағрида тузилган янги бригада жамоасида ишлар қизиб кетди. Йил якунига кўра янги жамоа хўжалик бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришди. Агар совхоз бўйича пахта ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 13 центнерга тўғри келган бўлса, Тоғай Идиқулов бошлиқ бригадада ҳар гектар ердан 24 центнердан пахта ҳосили олинди. Шундай қилиб, у йилдан-йилга тажриба орттира борди. Одамлар ўртасида чўл ерлари билан астойдил «тиллаша оладиган» деҳқон, меҳнаткаш фидокор инсон сифатида обрў қозонди. 1975 йилдаги пахта ҳосилдорлигини юксалтириш соҳасидаги эришган катта ютуқлари учун эса Тоғай Идиқуловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

У ўз меҳнати, ёшлик қудрати туфайли барпо этилган хўжаликда умрининг охиригача ҳалол меҳнат қилди, ўз номини ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол ва пок сақлай билди.

Мана, бир неча йилдирки, у орамизда йўқ. Лекин чўл бағрида унинг ишлари, ажойиб фарзандлари қолди. «Правда» совхози меҳнаткашлари чўл қаҳрамони Тоғай Идиқуловнинг номини бугунги кунда алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олмоқдалар. Ёшларни ўрнак олишга даъват этмоқдалар.

А. УМАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

АХБОРОТ

● БУХОРО

КАСБ ЎРГАНИБ...

● Бундан бир неча ой муқаддам Бухоро зардўзлик фабрикасига Қозон шаҳридан бир гуруҳ қизлар келишди.

Улар Татаристон жумҳурияти бадиий академияси йўлланмаси билан зардўзлик санъатини ўрганиш учун бу ерга ташриф буюришди.

Корхонанинг энг моҳир зардўзларидан Муяссар опа Темирова қозонлик қизларга касб сирларини пухта ўргатди. Яқинда уч ойлик танаффусдан кейин татар қизлари ватанларига қайтишди. Эндиликда янги касб туфайли татар миллий либосларида ҳам Бухоро зардўзлари санъати ўз аксини топади.

КИТОБХОНЛАР МУЛОҚОТИ

● Ғиждувон районидаги Садриддин Айний туғилган Соктаре қишлоғида «Китобхон» жамияти вилоят ташкилоти фаоллари ҳисобида ўтказилган пленумини ўтказди.

Пленумда жамиятнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаолиятини ташкил қилиш муаммоларини муҳокама қилиш билан бир пайтда китоб мухлислари таниқли тожик ва ўзбек ёзувчиси уй-музейидаги қимматли ашёларни тамоша қилишди.

ТЕАТР ШИНАВАНДАЛАРИГА

● Етмиш йиллик юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган С. Айний номидаги вилоят музикали драма ва комедия театри ижодий жамоаси яқинда ёзги гастролларидан қайтди.

Бухоролик саҳна усталари Наманган ва қардош Қирғизистон жумҳуриятининг Ўш вилоятлари меҳнаткашлари олдида ўз санъатларини намойиш қилдилар.

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР УЧУН

● Свердлов райони марказида кимё ва биология фанлари бўйича иқтидорли ўқувчиларга таълим бериш учун алоҳида мактаб-интернат қурилиши поёнига етказилди.

Уни Бухоро колхоз қурилиш бирлашмасининг 194-кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари барпо этишди. Янги интернатда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт олийгоҳи учун бўлғуси талабалар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

ЭКОЛОГИЯ ПОСТЛАРИ

● Мана, бир неча йил бўляпти, табиатни муҳофаза этиш жамияти вилоят ташкилоти ҳузурида «Табиат» кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Корхона меҳнат жамоаси вилоят марказидаги транспорт воситалари моторларининг чиқитлари атроф-муҳитни ортиқча булғатмаслигини ўз назоратларига олишган. Келгусида улар шаҳарга кираверишдаги барча йўлларда экология постларини ташкил қилиш ниятидалар.

УЗУМ МОЙИ

● Бухоро районидаги «Галаосиё» совхоз-заводида вино учун шарбатн ажратилган узумнинг уруғидан мой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Илгари бу хом ашё ишлаб чиқариш чиқити сифатида молларга бериб келинган. Тиббиёт мақсадларида ишлатиладиган тақчил мой меҳнат жамоасининг янги даромад манбаига айланмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон районида май ойидаги табиий офат туфайли озор чеккан 47 оила янги уйларга кўчиб киришди. Яна 20 та уй қурилиши ниҳоясига етмоқда. Р. Рўзматова онласи 60 квадрат метрлик майдонга эга бўлган янги уй олган эди. Бу ерда узум токлари табиий офатдан сақланиб қолган. Ҳозир унинг мевасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

А. КОВТУН олган сурат (ЎзТАГ).

*

• Турмуш чорраҳаларида •

ОНАНГ ҲУЗУРИГА ШОШИЛ!

Эй, фарзанд, ушбу суратга яхшироқ қара, у сенинг онанг эмасми! Хомуш термулиб турган бу аёлни танидингми! Суратда эс-эс таниётган бўлсанг, ҳа у сенинг волиданг. Бугунги кунда у тамоман ўзгариб кетган — ғамдан касалманд бўлиб, қоқ суяги қолган, қариялар уйининг ҳовлисига ҳам чиқишга мажоли йўқ. Сен эса буни билмайсан, ҳолидан хабар олмайсан. Унинг кўзлари эса сенинг йўлингда гирён. Онанг ҳузурига шошил! Шоир айтгандай:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

1967 йили «Саодат» журнали врач Тожихон Акрамхонова ҳақида босган мақоласида шундай сатрлар бор эди: «...Тожихон опа қаттиқ чарчаган эди. У андаккина ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. Креслога ўтирди. Бошини суянчиққа қўйди, кўзларини юмиб, ором оғушига берилди... Ажаб, деб қўйди яна ўзига ўзи, наҳотки қариб қолаётган бўлсам?..» Ҳа, Тожихон ая қариётганлигини сезган эди. «Лекин қарилигим қариялар уйида ўтади деб ўйламагандим ўшанда», — дейди ая...

Йигирманчи йиллари давр тақозоси билан Тошкентга келиб қолган Тожихон Шайхонтовурдаги дорилмуаллиминда, сўнг ўзбек хотин-қизлари учун очилган махсус мактаб-интернатда ўқийди. Саводи чиққач, отаси билан яна Наманганга қайтади. Тошкентдалик вақтида Тожихоннинг отаси Ғуломхон Акрамхонов Ҳамидуллабой Орифхонов деган бойвачча билан дўст тутинади. Ҳамидуллабой 6 фарзанди ва хотинини ташлаб Тожихонга оғиз солади. Бу вақтда — 1928 йилда Тожихон эндигина 14 дан 15 га қадам қўйган эди. Наманганга қайтгач, ота катта пул эвазига Ҳамидуллабой таклифига рози бўлади.

Тожихон бир қиз, бир ўғил кўради. Қизи болалигидаёқ касалланиб вафот этади. Ўғлига Учқун деб исм қўяди.

— Шундан сўнг бир неча йил ўтиб оиламизга совуқчилик тушди, — дейди Т. Акрамхонова. — Оиламизда бир хизматкор бўлгучи эди. Шу сабаб эрим менга хиёнат қилди. Йиғладим, сиҳтадим. Ўртамизга тушган бу совуқлик охири ажрашга олиб келди. Отаси ўғлимни менга бермади. Ўша хотинга уйланди. Лекин ўғлимнинг ҳаётида, турмушида қўлимдан келган барча ёрдамимни аямадим.

Илмга чанқоқ Тожихон 1927 йили Ўрта Осиё давлат университети қошидаги ишчи-ёшлар факультетига ўқишга киради. 1930 йили Москвага — медицина институтига ҳужжатларини топширади. 1936 йили ўқишни муваффақиятли битириб Тошкентга қайтган Тожихон янги ташкил этилган Тўқимачилик комбинати поликлиникасида врач бўлиб ишлайди. Ўзининг тажрибаси камлигини билган Тожихон ишлаб туриб, физиотерапия, акушер-гинекология соҳаси бўйича қатнаб ўқишни давом эттиради. Поликлиникада биринчи бўлиб физик метод билан даволаш, электр, сув билан даволаш кабинетларини очади. Туғуруқхона ташкил этади. Ўн йил шу ерда фаолият кўрсатади. Шу ерда партия сафига қабул қилинади. 1947 йили Соғлиқни сақлаш вазирлигига ишга таклиф этилади. У бу ерда оналик ва болалик муҳофазаси билан шуғулланувчи бўлимга бошчилик қилади. 1949 йилда Тожихон она шаҳри — Наманганга ишга ўтказилади. У ерда область соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош акушер-гинекологи бўлиб фаолият кўрсатади. Шу билан бирга илмий изланишларини давом эттиради.

Тожихон Акрамхонованинг илмий изланишларида устози профессор Г. А. Ротенбергнинг хизматлари катта бўлди. 1950 йили устозининг таклифи билан у Тошкентга қайтди. Ўз ҳаётий тажрибалари асосида назарий билимларини чуқурлаштирди. «Ўлик туғилишнинг сабаблари ва унинг олдини олиш» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Фан учун аҳамиятли бўлган бир қанча назарий мақолалар ёзди, назарий билимини илмий-педагогик иш билан бирга қўшиб олиб борди. Тошкент медицина институтида, республика тиббиёт билим юртида дарс берди, шогирдлар етиштирди. Тошкент медицина институтининг илмий кузатиш тажриба базаси ҳисобланган иккинчи шаҳар туғуруқхонасида бўлим мудири бўлиб ишлади. У қаерда қандай вазифада ишламасин, инсон дўсти, оналар ва болалар ҳаётининг, саломатлигининг посбони бўлиб, кучини, билимини сарфлади. Бу соҳадаги катта хизматларини эътиборга олиб Тожихон Ғуломовна Акрамхонова Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач унвони берилди. Бир эмас, икки эмас, бир неча маротаба Фахрий ёрлиқлар, шон-шавкат медаллари билан мукофотланди. «Меҳнат фахрийси», «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишонларини олди. Республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Тожихон ая заҳирадаги медицина хизмати капитани унвонига ҳам эга.

«—Мен умримни халққа бағишладим, — дейди ая.— Қалбим буюрганини қилдим. 36 йил юзлаб гўдакларнинг дунёга келишида оналарнинг мушкулини осон қилдим. Энди эса бу дунё менинг кўзимга қоронғу бўлиб кўринянти. Ҳаётнинг менга қизиғи қолмаянти. Бир умр хаёлимга келмаган иш бўлди. Мана 83 ёшга кирдим. Қариялар уйида ягона ўзбек аёлиман. Умримнинг сўнгги кунлари қариялар уйида ғамгин ўтади, деб сира-сира ўйламагандим. Мен бу ерга қандай қилиб келиб қолдим?

— Ўшанда — бундан 7 йиллар аввал шифохонада даволанаётган эдим. Синглим Хуршида Шукурова невараси Пўлатни уйлантирадиган бўлиб қолди. Тўйларига боролмадим. Тўйлари ўтгач, синглим «Бизникида туринг», деб ўзининг уйига олиб кетди. Мен катта ҳовлида бир ўзим турар эдим. Ўғлим Учқун Орифхонов онласи билан алоҳида яшарди. Шундай қилиб синглимникида бир неча кун турдим. Шунда бу ерда ўзимнинг гиламларим, асбоб-анжомларимни кўриб қолдим. Бу нарсалар бу ерга қандай қилиб келиб қолганлигига ҳайрон бўлдим. Дарров кетаман деб туриб олдим. Уйимга олиб бориб қўйишди. Не кўз билан кўрайки, неча йилдан бери яшаб келаётган уйимни синглим ва унинг ўғли ён қўшнимга сотган, қўшним уйларимни бузиб, ҳовлини ўз ерига қўшиб олган эди. Бир зум гангиб қолдим. Кейин қанчалар арз-додимни айтмай қўлимдан ҳеч нарса келмади.

Сарсонгарчилик бошланди. Ўғлимникида 2 ойча яшадим. Келиним менга меҳрсизлик са керакда болам бечорани, келолмаётгандир. Тўқимачилик институтида ўқув ишлари бўйича илмий мудир бўлиб ишлайди. Синглим Хуршида эса бирон маротаба ҳам мени йўқлаб келмаган. Марҳум акам Умархон Акрамхоновнинг ўғиллари Элхон Тошкентда туради. Ҳар якшанба келиб, ҳолимдан хабар олади. Мана бугун ҳам якшанба. Ҳадемай келиб қолса керак...».

Биз Тожихон ая билан узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Аянинг умр йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи фотоальбомларини варақладик. Ая ҳар бир расмга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтардилар. Кўзларим ая кўрсатаётган расмлардаю, лекин қулоғим остида аянинг «бугун якшанба, ҳадемай Элхон келиб қолади» деган сўзлари қўнғироқдай жаранглаб турарди. Биз шу алфозда узоқ ўтирдик. Лекин ҳеч ким аяни йўқлаб келмади...

Ҳар гал борганимда аяни ёлғиз кўрдим. Ҳар гал борганимда аянинг ўриндиққа суянганча эшик томон термулиб ўтирганларини кўрдим. Ҳар гал борганимда ая худди биринчи бор мени кўраётгандек умр йўлларини яна бир-бир гапириб берадилар. Гарчанд ўтган сафар ҳам шу сўзларни эшитган бўлсам ҳам индамай қулоқ тутаман. Ая расмларга тўла альбомни яна қўлларига оладилар. Ундаги расмларга бир-бир тўхтаб ўтадилар. Ая қариндошуруғлари билан хушчаққак тушган расмларига кулиб боқдилар: мана бу синглим Хуршида, бу ўғли Қўшин, бу невараси Пўлат. Неча йиллардан бери кўрмадим. Бу ўғлим Учқун. Соғиндим!

Ая узоқ вақт суратга термулиб қолдилар. Мен уларнинг хаёлларини бўлмоқ ниятида саволга тутаман:

— Ая кун бўйи нималар билан машғул бўласиз?

— Зерикаман.

Ортиқ савол беролмадим. Орага жимлик чўкди.

Хайрлашмоқ ниятида эшик томон юзландим. Меҳрга муҳтож ая яна ёлғиз қолаётганиданми, ғамгин кўзларига ёш олдилар. Лаблари асабий пирпиради. Ётган жойларида зўрға «хайр» дея олдилар, холос...

Эшикни ёпдим. Уч-тўрт қадам ташладим. Эшик «ғиқ» этиб очилди. Ортимга ўгирилдим. Ая...

— Ўғлимнинг олдига борасиз-а?! Бораман денг...

Мен бир зум аянинг кўзларидан кўзимни, остоналаридан оёғимни уза олмай қолдим...

Қариялар уйидан узоқлашганим сари хаёлимни саволлар чулғаб ола бошлади: Эй, ўғил! Онангни соғинмадингми? Ҳозир онангнинг қалбида нелар кечаётганийкин, хаёлларида нелар ғужғон?

Она! Бу муқаддас ном олдида бутун коинот тиз чўксa арзийди. Муборак Ҳадислардан бирида айтилишича, бир инсон фарзанди аввало кимга яхшилик қилай деб сўраганида Муҳаммад пайғамбар онангга яхшилик қил, деганлар. Иккинчи бора кимга яхшилик қилай деб сўраганида яна онангга, деганлар. Учинчи бор сўраганида ҳам онангга яхшилик қил, деганлар. Сен онангга нима қилдинг? Ахир сен бир вақтлар онангдан бир зум ҳам ажрала олмас эдинг-ку! Энди ҳам онангнинг этакларига ёпишиб у қаён борса бораоласанми? Яхшилик — эскирмайди, гуноҳ унутилмайди. Унинг мажолсиз қаддига суянчиқ бўл! Онанг ҳузурига шошил!

Эй ўғил! Биз ҳамиша қарздор бўлган ажойиб зот — бу она. Она муҳаббатидан муқаддасроқ, беғаразроқ ҳеч нарса йўқ. Жаҳоннинг бутун ғурури оналардан. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт йўқ, аёлсиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди, деганлари рост. Онанг ҳузурига шошил!

Эй ўғил! Умр—йўл, қайрилиш кўп: ортингга қара — қайрил. Бошингдан нелар ўтяпти. Унутиш, айтилиш кўп: Онанг хафа қилган бўлса унут. Фарзанд онага кек сақламайди. Учрашиш, айрилиш кўп: бугун бор одам эртага йўқ — ҳаётнинг қонуни бу. Вақт ғанимат. Онанг ҳузурига шошил!

Сизчи, аянинг меҳрибон шогирдлари, ҳамдард ҳамкасблари, қаердасиз? Нидо беринг.

Эй, инсонлар! Меҳри чексиз, бутун дунёни кўкраги билан боққан аёлни — Онани асрайлик!

Муроджон КОЗИЕВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ

БОСМА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА:

— **китоблар ва брошюралар,** юмшоқ муқовада, 384 бетдан ошмаган, формати 84x108 1/32, 70x108 1/32, 84x108 1/16, 70x108 1/16 ролли бўлган босма машиналарнинг юқори офсет, ботиқ босма усулида;

— **ранг-баранг буклет ва проспектлар, юмшоқ муқовада болалар китобчалари, ёрлиқлар, таклиф ва ташрифномалар ва бошқа турдаги рангли маҳсулотлар** формати 60x45 дан то 90x120 гача (офсет машиналарда);

— **ойномалар ва болалар учун мўлжалланган адабиётлар,** формати 60x90 1/8, турфалилиги 5+2 буёқда, 2+2 буёқда, шунингдек 84x108 1/16, 70x108 1/8 турфалилиги 4+4 буёқда ҳажми 384 бетдан ошмаган ҳолда ролли ва офсет машиналарда;

— эни бир қоғоз ҳажмида, яъни 60 см дан 90 смгача, деворга ёпиштириладиган гул қоғозлар, турфалилиги 4 буёқдан ошмайди;

— **чекланмаган ҳажмда маркасиз почта конвертлари,** 4 буёқли, формати 70x100 мм, 100x180 мм, 114x162 мм бўлган;

— **бўяш учун китоблар,** ўраш учун қоғозлар, формати 60x90 1/8, турфалилиги 2 буёқда бўлган;

— иш юритиш, фахрий ёрлиқлар учун папкалар кўплаб нусхада

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртма қабул қилишнинг асосий шарти: буюртмачининг қоғози бўлиши керак.

Маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати матрица ва позитивлардан 1 ойгача, оригиналдан 3 ойгача.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент шаҳри, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41-уй. Мурожаат учун телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50.

ВИЛОЯТ, РАЙОН, МАҲАЛЛА ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ, КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ

ўз воситаларидан фойдаланиб, кўпканалли кабель телевидениесининг кўпканалли системасини яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги ишларнинг тўлиқ комплексини

АМАЛГА ОШИРАДИ:

телевизион дастурларни фазовий йўлдош орқали қабул қилиш, тижорат каналлари ва маҳаллий эшиттиришларни ташкил килиш билан бирга район телестудиясини бунёд қилиш.

Ахборот тўлдирувчи маҳаллий раҳбарият билан келишиб олинади.

Кабель телевидениеси системаси Япония, Венгрия ва СССРда ишлаб чиқарилган ускуналар асосида қурилади ва келажакда тижорат асосида фойдаланилади.

Мулоқот телефонлар: 77-82-52, 77-48-75, 77-02-70.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700107, Қирққиз кўчаси, 10-уй.

А. ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

СЕНТЯБРЬ ОЙИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/IX да — **Кулги ва қўшиқ кечаси.**
3/IX да — **Қоқон** (премьера, билетлар сотилган).
4/IX да — **Лақма куёв.**
5/IX да — **Алдагани хотин яхши** (премьера).
6/IX да — **Алдагани хотин яхши** (премьера).
7/IX да — **Фармонбиби аразлади.**
8/IX да — **Искандар.**
10/IX да — **Гўзаллар ва миршаблар.**
11/IX да — **Алдагани хотин яхши.**
12/IX да — **Қоқон** (премьера).
13/IX да — **Паранжи сирлари.**
14/IX да — **Майсаранинг иши.**
15/IX да — **Алдагани хотин яхши** (премьера).
17/IX да — **Гўзаллар ва миршаблар.**
18/IX да — **Искандар.**
19/IX да — **Майсаранинг иши.**
20/IX да — **Фармонбиби аразлади.**
21/IX да — **Кулги ва қўшиқ кечаси.**
22/I да — **Алдагани хотин яхши** (премьера).
24/IX да — **Зиёфат.**
25/IX да — **Паранжи сирлари.**
26/IX да — **Алдагани хотин яхши** (премьера).
27/IX да — **Лақма куёв.**
28/IX да — **Фармонбиби аразлади.**
29/IX да — **Кулги ва қўшиқ кечаси.**

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 18.30 ДА БОШЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОМОШАЛАР 30 августда соат 17.00 да,
31 августда соат 13.00 да,
1, 2, сентябрда соат 12.00 да БОШЛАНАДИ.
Чипталар сотилмоқда.

СПОРТ

КУРАШ:

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

● Термиз шаҳрида самбо кураши бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Мусобақада Сурхондарё вилояти ҳамда Франциянинг Шанъи шаҳридан келган полвонлар ўзаро беллашдилар. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган беллашувда майдон эгалари 13:12 ҳисобида устун келишди. Меҳмонлар термизлик полвонларни Францияга таклиф этишди.

ВЕЛОПОЙГА:

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

● Олмаотада СССР кўбоги учун ўтказилган мусобақада тошкентлик Фотима Галиулина совринли учинчи ўринни эгаллади. У 50 километрли йўлни маҳорат билан босиб ўтди. Москвада эса трек майдонида мамлакат чемпионати ўтказилди. Бу ерда ўзбекистонлик пойгачи Зулфия Забирова чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ШАРҚИЙ минтақа футбол жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Биринчи лигага ўтиш учун асосий даъвогарлардан бўлиб турган **Находканинг «Океан» футболчилари очколарини 39 тага етказиб, пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди Жумҳуриятимиз футбол жамоалари ҳам мавқеларини яхшилашга ҳаракат қилишди. Жумладан, «Нурафшон» футболчилари «Жетису» жамоасини қабул қилиб, 7:1 ҳисобида устун келишди. Ҳозир «Нурафшон» 31 очко билан бешинчи ўринни эгаллаб турибди.**

● БИРИНЧИ лига футбол жамоалари ўртасида навбатдаги тур учрашувлар якунланди. **Тирасполнинг «Тилигул» футболчилари ростсельмашчиларни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу билан тилигулчилар 37 очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. Волгограднинг «Ротор» футболчилари ҳам бўш келишмаяпти. Улар Ставрополь динамочилари майдонида ғалаба (3:1) қозониб очколарни 35 тага етказишди. Учинчи ўринда бораётган «Таврия» ҳисобида 33 та очко бор. Шунингдек, «Буковина», «Ростсельмаш» жамоалари ҳам шунчадан очко тўплашган. Ўз майдонларида ғалаба қозонган Фарғонанинг «Нефтяник» ва Наманганнинг «Навбаҳор» жамоалари 28 тадан очко билан еттинчи ва тўққизинчи ўринларга кўтарилишди.**

ОБ-ҲАВО...

Жумҳурият об-ҳавони кузатиш марказидан олинган маълумотга қараганда, ҳафта бошида ҳавонинг қуруқ ва иссиқ бўлиши кутилади. Ҳарорат кечалари 14-19, кундузлари 32-37 даража атрофида бўлади. Фарғона водийсида 30-35, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида 34-39 даражагача иссиқ бўлади. Шундан кейин Европа жанубий районларидан эсган салқин ҳаво ҳароратни бирмунча пасайишига олиб келади. Шамолнинг тезлиги секундига 17-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 11-16, кундузлари 26-31 даража атрофида бўлади. Ҳафта охирида ҳароратнинг кўтарилиши кутилади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот илмгоҳи мутахассисларининг шарҳига қараганда, ҳаводаги бундай беқарорлик касалманд ва таъсирчан кишиларга бироз нохушлик келтиради. Боши оғриб турувчи, юрак-қон томири хаста, ўпка-нафас йўллари касал кишилар ўзларини чиниқтиришга, иқлимга мослашишга ҳаракат қилишлари ва зарур холлардагина даволовчи шифокор билан бамаслаҳат дори-дармонлардан фойдаланишлари мумкин.

ЖУМҲУРИЯТ МАШИНКАДА ЕЗИШ ВА СТЕНОГРАФИЯ КУРСЛАРИ

Кундузги ва кечки бўлимларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларимиз ўзбек ва рус тилларида иш юритиш асосларини билган котиба-машинистка ва котиба-стенографистикаларни тайёрлайди.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. Бешёғоч даҳаси, Комсомол кўли ёнида. Телефон 45-62-52.

Жумҳурият Телекўрсатув Маркази жамоаси тасвирчи **Асқар ИСРОИЛОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзстройтранс» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси темир йўлда юк ташиш бўлими бошлиғи Ю. Ю. Жафаровга онаси **Зоҳида ЖАФАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва иқтисодий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши — советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-15-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12 Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-33-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5811.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.
№ 166.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12